

Ўтган йилларимиз ээгуликларга бой бўлди. Бу йиллар том маънода юртимизга кут-барака, меҳр-оқибат, ободончилик, фаровонлик олиб келди. Биргина ўзим яшаётган қишлоғим ҳақида гап юритсам. Қишлоғимиз «Бўстон» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Сўлим ва гўзал, обод жой. Одамлари меҳнаткаш.

Йил бошида 39-мактаб ҳашар йўли билан қайта таъмирланди. Кам таъминланган ва ногирон инсонларга кўплаб мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Жумладан, Эсонов Зокиржоннинг уйи таъмирлаб берилди. Қўзиёва Рўзвонхонга ҳам худди шундай мурувват кўрсатилди.

Жорий йилда туманимиз миқёсида газ таъминоти яхшиланди. Шу ўринда бизнинг қишлоқда ҳам. Почта хизматидан ҳам аҳоли миннатдор. На-

15 та донни қайта ишлаш цехлари, 2 та аёллар салони бор. 50 га яқин ёғочни қайта ишлаш цехлари мавжуд. Унда 250 га яқин ишчи ўринлари банд. Президентимизнинг 2004 йил 25-майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги кўшимча чора-тадбирлар



ҚИШЛОҒИМИЗДА ЎЗГАРИШЛАР КЎП

бўлиб ўтаяпти. Яқин кунларда Гуллар байрами ҳам ўтказилади. Маҳаллалараро спорт мусобақасида бизнинг футбол жамоамиз 1-ўринни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўл олди.

Хуллас, қишлоқда ўзгаришлар кўп. Фаҳат, уни илғай билиш, кўра олиш керак холос. Қишлоғимиз номи Чўжа. Чўжа сўзи йиллар давомида ўзгариб кетган сўз. Аслида «Чўнг жой» дейилган. Советлар даврида «Чўнг жой» «Чўжа»га айланиб кетди. Чўнг жойдаги ўзгаришлар ҳам чўнг бўлиши керак. Назаримда, қишлоғим мисолида айтадиган бўлсам, Чўнг ўзгаришлар даври келди, ўзгаришлар бўлаяпти, бўлади албатта.

Қишлоғимга, Ватанимга кўз тегмасин илоё...

Мурод ДИЛ
Андижон вилояти,
Шаҳрихон тумани.



фақанинг барча турлари ўз вақтида бериб келинмоқда.

Қишлоғимизда тадбиркорларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Тадбиркор Раҳимжон раҳбарлигида сутни қайта ишловчи цех мавжуд. Унда ҳар куни 8-9 тонна сут қайта ишланади. 40 та одам иш билан таъминланган. Шунингдек, 3 та мебел ишлаб чиқариш цехи мавжуд.

мизнинг ўзига хос ўринлари бор. Вазирлар Маҳкамасининг ана шу асосдаги Қароридан келиб чиқиб бизда ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Қарорнинг моҳияти, унинг ижро этилиши кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниб борилаяпти.

Мустақиллик байрами арафасида спорт тадбирлари, хотира турнирлари

«Нихол - 2004

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Юртимизда иқтидорли ёшлар ҳаммиса қўллаб-қувватланади. Айниқса, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш учун катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мукофоти санъат оламига кириб келаётган, бу йўлда самарали ижод қилаётган ёшларимизни янада изланишга ундайди. Бу йил ҳам ушбу танловда саксондан зиёд номзод қатнашди.

Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами арафасида улардан энг иқтидорлилари мазкур мукофотга лойиқ деб топилди.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида «Нихол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Бу йилги совриндорлар орасида Д.Ахмедова, Л.Ахмедова, П.Упоров, У.Юнусов, Ф.Жуманиёзова, Ш.Давронов, Г.Мамазоитова каби ёш санъаткорлар бор.

Тантанада иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ёш авлоднинг камолоти, таълим тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўз мухбиримиз



Суратда: «Бекобод ишчиси» газетаси бош муҳаррири Тўхтанисо Жўрабекова 29 йилдан буён матбуот соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Замондошларнинг меҳнати, муаммо-ю ютуқлари, орзу-умидларини газета саҳифаларида ёритиш, ҳаёт билан ҳамнафас, ҳамдақам бўлишни умрининг мазмун-моҳияти деб билади. Тўхтанисо Жўрабекова турмуш ўртоғи Ўлмас Тоҳиров билан тўрт фарзандни ўстириб вояга етказишмоқда.

Суратчи: Қорабек
ИБРАГИМОВ.



МАҲАЛЛАМ

Бола эдим, айтарди онам:

«Ўз уйингни севгин сен доим».

Таъкидларди: «Остонанг, болам,
Бу-Ватанинг бошланги жойи».

Бола эдим, етаклаб онам

Маҳалладан ўтарди ҳар дам.

Таъкидларди: «Маҳалланг, болам,
Бу ҳам сенга кичик бир ватан».

Улғайганим сари бу сўзини,

Яна чуқур англамоқдам.

Шу тупроқда танидим ўзини

Ва қалбимни тингламоқдам.

Гурс-гурс уриб сўзлар юрагим,

Ватан сенинг бахт юлдузинг-ку!

Обод қилмоқ бўлса тилагинг

Илминг соф, ёруғ юзинг-ку.

Қайга борсанг кўзларинг ёниб,

Бийрон-бийрон айтган сўзинг-ку.

Қучоғида меҳрга қониб,

Қувончларга тўлган ўзинг-ку.

Тупрогингни кўзга сурайми?

Тафти дилда меҳр уйғотар,

Қалб қўримга сени ўрайми

Сенда ахир ҳар тонгим отар.

Қадропим, сенда азизман,

Доно қилган-ақл бешигим.

Тузингни еб улғайган қизман,

Чиқсам, яна кирар эшигим.

Нима қилдим, равнақинг учун,

Шижоат-ла терлар тўжмасам.

Фарзандларим ўсган заминга

Биттагина ниҳол экмасам.

Тозалигинг ишону шарафим,

Обод бўлсанг, кўксимиз осмон.

Дарахт эсмоқ-яхши тарафим,

Боғи боринг эли фаровон.

Муҳаббатим, умрим мактаби,

Сенда болам тинглади аллам.

Сен-ҳаётим кичик мактаби,

Ардоғимда бўлгин маҳаллам!

Маҳалладош - елкадошинам,

Кўчмаизни гулга ўрайлик.

Қўли қўлга бер йўлдошинам,

Гард юқмасин, посбон турайлик!

Ҳимоят НАЗАРОВА,

Сирдарё вилояти,

Гулистон тумани,

Дехқонобод шаҳарчаси.

Китоб туманидаги касб-хунар, маиший хизмат коллежи ҳеч қачон спорт кийимидаги хотин-қизларга бу қадар гавжум бўлмаганди. Ўз жамоаларида ғолиб бўлган турли касб эгалари, уй бекалари, талабалар, ўқувчилар ўз мураббийлари билан шу ерга оқиб кела бошлади.

10 ёшли қизлар спартакиаданинг энг ёш иштирокчилари бўлишса, 47 ёшли аёллар энг катта иштирокчилари эди. Хуллас, туманда мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилаётган спорт ўн кунлиги доирасидаги етти тур бўйича спартакиада

Ахборот

АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ

ҳақиқий спорт байрами тусини олди.

Спартакиадани туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, Л.Ўрокова очиб, барча иштирокчиларга омадлар тилади. Шундан сўнг белгиланган жойларда мусобақалар қизгин тус олди. Биргина волейбол мусобақасида 27 та жамоа иштирок этган бўлса, баскетбол ўйинида 25 жамоа беллашди. Айниқса, оммавий ўйин бўлган шашка мусобақаси иштирокчилари ниҳоятда кўп эди. Шунингдек, шахмат, стол тенниси ва бошқа спорт турларида куч синашадиганлар ва мухлислар билан гавжум бўлди.

Спартакиада сўнггида туман ҳокими Л.Гафоров, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси И.Каримова ғолибларни қўлга киритилган ютуқлар билан муборакбод этишди ва уларга қимматбахо совғалар топширишди.

Бўлиб ўтган спартакиадада Китобнинг минглаб аёллари иштирок этдилар.

Марям АХМЕДОВА,
Розия АШУРОВА.

ДОВОНЛАРНИ ОРТДА



- Олтинчи набирамнинг уйланиш тўйи биз Афиша билан турмуш курганимизга 50 йил тўлган санага тўғри келди, биргалликда нишонладик. Бундай саодатли кунга етгунча 3 қиз-у 4 ўғилни (бири оламдан ўтган) вояга етказдик. Уларни уйли-жойли, илмли, касбу корли қилдик. Хозирда бир-биридан ширин 22 набирам, 7 эвара қуршовидамиз. Тангри инъом этган барча неъматлардан баҳрамандимиз, - дейди филология фанлари доктори, профессор Анвар Хожиахмедов фахр билан.

Оиламиз меҳмони

Издатга мушарраф бўлган келин, хурматли ҳам жойига кўяди. Келинларимга камчиликларини тўғридан-тўғри айтмай, ҳазил-мутойиба билан тушунтираман. Баъзида икки-учта бўлиб гаплашиб турганини кўрсам: "Ха, мени ғийбат қилаяпсизларми?" - дейман ҳазил-мутойиба қилиб. Келинларим кулиб юборишади. Шу боис оиламиздан табассум аримади. Илоё мендан кейин ҳам шундай бўлсин. Ҳаётнинг оғир-енгил ташвишларини ҳушқачқаклик билан энгиш керак. Йўқса турмуш, оғир ва зерикарли туюлади.

- **Хар қалай аёллар эркакларга нисбатан тежамкор, оилам, болам-чакам деб тиш-тирноғи билан бир сўм пулнинг устида тик туради. Сир эмас, айрим оилаларда аёл ҳукрон, унинг айтгани-айтган, деганидган.**

- Оиламизда домла Анвар аканинг гаплари қонун. Эр топармон-тутармонми ва ё аксинча маошга қараб яшайдими, барибир у - эр. Эрни, камситган, тушкунликка туширган хотин охири хор бўлади. Яъни, фарзандлар отасини ҳурмат қилмас экан, онани ҳам оҳир-оқибат менсимай қўйиши мумкин. Оилада эр бош, хотин кўлоёқ бўлиши керак.

- **Фарзанд тарбиясига ким кўпроқ масъул деб ўйлайсиз?**

- Энди вазиятга қараб ота-она бирдай масъул. Мен институтда ҳам, мактабда ҳам дарс берардим. Хонадон юмушларидан ортмасдим. Шу боис болалар тарбияси билан кўпроқ Анвар ака шуғулланганлар. Бундан ташқари илмий иш юзасидан гоҳида мен, гоҳида Анвар ака чет элларга бориб келишимизга ҳам тўғри келарди. Бундай пайтлар биримизнинг уйдаги вазифаларимизни бошқа биримиз ҳеч оғринмай зиммамизга олардик.

- **Сизнингча аёл қандай бўлиши керак, - юзланаман Анвар отага.**

- Хар бир аёл оила олимаси, тадқиқотчиси бўлиши керак. Яъни, эрининг хулқ-атвори, ички дунёсини миридан-сиригача тадқиқ қилса, келишмовчилик юзага келмайди. Эрдан банд келадиган аёлнинг пойдеворига зах кетади. Бунинг касри ўғил-қизга уради.

- **Оиладаги келишмовчиликнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?**

- Хар хил сабаблар бўлиши мумкин.

Ярим аср ёнма-ён бир ҳаводан нафас олиш, елкама-елка туриб ҳаётнинг оғир-енгил юкнини кўтариш ва ниҳоят ўғил-қизлар, набираар-у эваралар даврасида олтин тўйни нишонлаш бахти нима эканлигини шундай кўнларга етганларгична дилдан тўйиши мумкин.

ҚОЛДИРИБ...

нона боласи тенги келин билан бўйлашмайди. Аксинча, ўзининг хатти-ҳаракати, муомаласи билан ибрат бўлади.

Етишмовчилик, ичкилик, ёмон йўлга кириб кетиш ва бошқалар. Хар ким ўзи йўл қўйган хатони тан олмоғи, вазият чуқурлашиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Бир кўшнимизнинг эри бўлар-бўлмасга хотинига захрини сочишга одатланганди. Унинг феълини ўзгартириб бўлмаслигини тушунган доно хотини иложини топди. Эри жаҳли чиқиб гап бошлаган захоти: "Хозир, хозир келаман", - деб ўзини олиб қочаркан. Бироздан кейин эр ховуридан тушади. Жанжалга ҳам ўрин қолмайди. Бир ибратли ривоят бор. Уни кўплар эшитган, эшитмаганлар ҳам бор. Яхши гапни қайта эшитмоқ эиён қилмайди. Бир эру хотин ҳеч келиша олмаскан. Охири хотини табибга бориб: "Жонимдан тўйиб кетдим. Эрим нукул мен билан уришади", - дебди. "Сиз индамай тура-сизми?" - деб сўрабди табиб. "Йўқ, мен ҳам гапига яраша жавоб қайтараман", - дебди аёл. "Унда мен сизга бир дор бераман. Лекин дорини қабул қилиш қондасига қатъий амал қилмасангиз кор қилмайди. Эрингиз гап бошлаган маҳал, дорини тилингизнинг тагига ташланг-да, оғзингизни умуман очманг. Йўқса, унинг таъсир кучи шу захоти йўқолади", - дебди. Аёл дорини олиб уйига қайтибди. Кечкурун эри ишдан кайфияти тушкун ҳолда қайтиб, аламини хотинидан олиш учун хар хил баҳона билан захрини сочаверибди. Аёл табиб айтгандай қилиб жим ўтираверибди. Эри жаврай-жаврай охири ўчибди. Бу хол бир неча бор такрорланибди. Ва ниҳоят оилада жанжал барҳам топибди. Аёл хурсанд бўлиб, табибга бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бериб: "Бу дорингизнинг номи нима?" - деб сўрабди. Шунда табиб: "Аслида бу ҳеч қандай дори эмас, оддий пахта чигити. Эрингиз гапирганда сиз оғзингизни очмаслигингиз учун мен шундай йўл тутдим. Дори ҳам, оғу ҳам одамнинг ўзида. У ҳам бўлса - тил", - дебди табиб.

Қаҳрамонларимиз Афиша ая ва Анвар ота 73 ёшда. Хали ҳам тиниб-тинчимайдилар. Анвар ота ўқитувчилар малакасини ошириш институтида дарс беради. Афиша ая эса ўз доно фикрлари, йўл-йўриқлари билан оилаларимиз мустаҳкамлигига, жамиятимиз бутунлигига озми-кўпми хисса қўшмоқда. Олтин тўйингиз муборак бўлсин! Ибратли ҳаёт йўлларингиз бизга ҳам юкшини тилаб қоламиз.

Тоҳир НОРИМОВ

Республика Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Ахтоновна Ходжаева юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа - бўлажак парламентга сайловларни ўтказиш тартиби ва қондалари ҳақида муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий воқеа-янги, икки палатали парламент ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари то-

ҲАЁТИМИЗДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

монидан ташкил этилади ва ўтказилади. Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар. Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Бўлажак парламент сайлови илгарий сайловлардан фарқ қилади. Бу, авваламбор, сайловга доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ. Ўз фаолиятини доимий асосда олиб борадиган Қонунчилик палатаси шакллантирилиши муносабати билан сайловларда сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошади. Улар сайловчилар ташаббускор гуруҳлари билан бир қаторда парламентнинг қўйи палатасига сайловда иштирок этадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу сайловда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатликка номзодлар кўрсатишда қатнашмайди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлади. Демак, бу сайловда хар бир округ учун белгиланадиган сайловчилар нормаси сезиларли даражада ошади. Бир округ учун сайловчилар 110-120 минг кишини ташкил қилади.

Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камидан 5 йил Ўзбекистон ҳудудида мўқим яшаётган фуқаролар Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этил жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа хар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита қечлашга йўл қўйилмайди.


Хар бир сиёсий партиянинг юқори органи депутатликка 120 нафар номзод, яъни хар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақли.

Сайлаш ҳуқуқига эга хар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун сайлов округининг камидан 100 нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Парламентнинг юқори палатаси - Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Сенат аъзолари сайлови Қонунчилик палатаси депутатлари сайловидан фарқ қилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида маъзур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Конституциянинг 77-моддасига биноан Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатга сайлов маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Юртимиз тарихида биринчи бор шакллантирилаётган икки палатали парламентга сайловларни ташкил этиш ва демократик асосда уюшқоқлик билан ўтказиш сайлов жараёнининг барча иштирокчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Л.АХМЕДОВА ёзиб олди.



ЭЗГУЛИК ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Касби оддий. Ерга меҳр қўйган, чорвачиликни ардоқлайди. "Бор барака-ер билан чорвада", - дея таъкидлашни ёқтиради.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Кизилсой" маҳалласида Абдурахмон ҳожи ота яшайди. Уни яшаётган кишлоқнинг хар бир хонадонидидаги йиғинларнинг бошида туради. Ками бўлса тўлдиришга ҳаракат қилади. Бир кўшнимизнинг уй кураётганда маблагдан қийналаётганини кўриб, унга мурувват кўлини чўзди. Кишлоқдаги "Тез ёрдам" биносини таъмирлашгаётганда ўз пенсиясидан 40 минг сўм ажратди. Баъзи ёш оилалар арзиммаган нарсига сану манга бориб қолишади. Шунда Абдурахмон ота ўртага тушади. Эру хотинга, уларнинг ота-оналарига насихат қилади. Оила ана тикланади. Аслида бировга насихат

Яхшилардан сўз очдик

қилиш учун кишининг ўзи ибрат бўлмоғи лозим.

Абдурахмон отага Оллоҳ тинч оила, ажойиб, қобил фарзандлар ато этган. Улар ҳам оталари каби кўплаб савоб ишлар қилиб юришади.

Абдурахмон ҳожи бундан кейин ҳам эзгу ишларга бош-қош бўлиш ниётида.

Ана шундай инсонлар туфайли юртимиз ҳамиша файзу-баракага тўлаверади.

Абдуқодир ЭГАМКУЛОВ, Юқори Чирчиқ тумани, "Кизилсой" маҳалласи.

Инсон баъзан қалбидан ажиб лаҳзаларни кечиради. У ниҳоятда сезгир бўлиб қолади. Гуллар ранги, қушлар сайроғини, ҳатто шуъла жилоларини одатдагидан аниқроқ, тиниқроқ ҳис этади. Қандайдир иш бошласа, унинг рўёбига ўзини қодирдай сезади. Бу фурсатлар одамнинг иштиёқи, илҳомли онлари. Орзулари билан интилишларининг рост-ёлган лаҳзалари.

Бухоро вилояти Ромитан туманилик "Оила ва жамият" муҳлисаси **Насиба Эшова** ана шундай онларнинг чиройли тасвирини чиза олади. У орзу-умид йўлидаги оғир-енгил ҳиссиётларини қалбдан кечириб борар экан ўйларига шундай яқун ясади:

Не бўлса, чидойин ишқилмай ҳеч ҳам, Умидим: етсайдим энг улуг Бахтга...

Аммо тахририятга шoirлик умиди, шеър илинжида мактуб йўллаган барча муҳлису муҳлисаларда бу хилдаги тиниқ, равшан тасвирлар кўрдик, деб айтиб бўлмайди.

Тўғри, уларнинг аксарияти чиройли мавзулар тоғлан. Тошкент вилоятидан **Дилдора Рустамова** ўз машқларига "Ватан ишқи", тошкентлик **Чўлпоний Мелиқўзиева** "Юртим", фарғоналик **Абдуқодир Азизов** "Дилоро кишиларимиз", самарқандлик **Абду-**

Ўзига етганча мағрур ва айёр, Лекция тинглайди, қўлида "сотка". Китоб титқилас, "Интернет" тайёр, Улашиб олса бас керакли сайтга. Йигирма биринчи аср ёилари...

дея ўз тенгдошларига бироз хижолатомуз нигоҳ ташлайди тошкентлик **Дилфуза Розикова**. Муносабатларга шакл топиш ҳам ўта алоҳида санъат. Муносабатлар ва шеъринг ҳақида гап кетганда Андижон вилояти Марҳамат туманидан муаллим **Умидаҳон Турдалиеванин** тахририятга йўллаган хатини эслаб ўтишни жоиз билдик.

"...Бир ўқувчимиз бор, шеърлар ёзади, газетангизга жораяпмиз. Агар чоп этилса, жуда бир ажойиб янглики бўлиб кетса керак кишлоғимизда..." - деб ёзибди. Умидаҳон ўзининг шoirтабиат ўқувчиси **Гулшаной Холдорованин** машқларини юборар экан. Албатта, Гулшаной ҳали ёш. Вақти келиб унинг:

Туғилганда бошинг силаган

Гўё отанг, гўё онаңдай,
каби Ватан ҳақидаги сатрлари яхши шеърларга айланар, насиб қилса. Биз бу илиқ сатрлардан ҳам аввал Гулшанойнинг ўқитувчилари, жонқуяр, фидойи муаллималари

ЭНГ УЛУГ БАХТ

раҳмат **Ҳасанов** "Наврўзи олам", **Турди Турсунзода** "Тошкентим" дея биридан қалбга яқин сарлавҳалар кўйган. Қашқадарёлик **Зоирбек Бобомуродов**, Янгийўл шаҳридан **Малоҳат Холбоева**, Тошкентдан **Роҳатой Рўзимат кизи**, кўконлик **Кул Олим**, хоразмлик **Умида Нурзода**, сурхондарёлик **Нодира Пўлатова**, шунингдек, **Қурбоний Жўраева**, **Машхура Исоқова**, **Хушнуд Худойбердиева**, **Қосимжон Абдуллаев**, **Саъдиана Бобомуродова**, янгийўллик **Насиба Аҳмаджонова** каби муҳлислар ҳам яхши мавзулар тоғлан. Аммо нима ёзишни билиш - шеъринг, адабиётга бир қадам бўлса, қандай ёзишни билиш-кейинги асосий қадамдир. Ана шу иккинчи қадамда суствлик сезилади. Дид, билим етишмаслигидан-бу.

Шеърингта муҳаббатли муҳлисларнинг баъзилари инсонларни ўз-ўзларича таҳлил қилишга, баъзилари жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришга ҳаракат қилади. Бу уриниш **Дилфуза Бўрибоева**, **Назира Ҳайдарова**, **Санжар Муфтиллаев**, **Лутфулла Қандаҳоров**, **Алишер Турсунов**, **Гулсалас Ҳусанова**, **Шодигул Хусанова**, **Тоҳир Ҳақбердиев**, **Шаҳодат Зоир кизи**, **Хуршид Нуриллаев**, **Гавҳаршодбегим Эшмуродова**, **Зулфия Азимова**, **Умида Мухаммадалиева**, **Соип Мухаммедов**, **Ҳабибулло Хўжаниёзов**, **Умида Холова**, **Гулноза Назарова**, бухоролик **Лазиз Саидов**, тошкентлик **Мухаддас Эргашева**, шахрисабзлик **Хулқар Ражабова**, олийгоҳ талабаси **Зебунисо Гаффорова**, сирдарёлик **Нилуфар Розикова**, Тошкент вилоятидан **Феруза Турсунова** каби қаламкашлар машқларида сезилади:

учун суюндик. Қани эди, бирча устозлар ўз шогирдлари истеъдодини юзага чиқариш учун шунча ҳаракат қилса, қанча булоқлар кўзи очилиб кетарди. Шеърингнинг жони - муҳаббат, руҳи - муҳаббат.

...Аммо ўтинчим: ул дилдор дилида

Муҳаббат аталши бир дард бўлайин...
деб ёзибди машқларида термизлик **Моҳира Бўриева**. Қаршилик **Нафиса Султон**, **Замира Сайфуддинова**, бекободлик **М. Содикова** каби каламкашларнинг муҳаббат ҳақида ўз тасаввурлари бор. Қайси биридир бу ҳиссиётни ўн саккиз ёш зийнати деб тушуна, ким учундир ота-она, туғилган тупроққа меҳр. Ҳарна бўлса-да муҳаббат жуда қўнча туйғу, ноёб туйғу. Бу туйғусиз шеъринг ўзи йўқ. Тахририятга умид билан хат, шеър йўллаган муҳлиса, муҳлис борки, ўз ёзганларини газета саҳифаларида кўришни истади. Газетада чоп этилиши шунчаки ҳавас эмас, ўзининг истеъдодини танитиш, тан олдириш. Демакки, шеър чоп этиришга уриниш ҳам инсоннинг ўзлигини топиши, ҳаётда ўрнини топишга интилишидир. Бу жуда яхши истак. Одам боласи шу тарзда ўз йўлини топади. Узнач, иқтидорига шубҳа билан қараб ўтираверса, ўз-ўзига ўралашиб, ўз дунёсида қолиб кетади. Шунинг учун у нима дер экан, бу нима дер экан, деб иккиланмасдан дилда сўз бўлса, ёзавериш керак. Шoir бўласизми, йўқми, буни вақт кўрсатади. Муҳими - сиз локайд эмассиз. Муҳими сиз севина оласиз, йиглай оласиз ва бу ҳиссиётларни ёза оласиз. Ёзаверинг, шунинг ўзи - бахт.

Қутлибека РАХИМБОЕВА,
шоира.

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

ЙЎҚОТМИШИМ...

Нигоҳлар тўқнашди бир фасли айём
Сўзлашди муҳаббат лаҳжаларида.
Шу таҳлид тоғанман мен сени эркам,
Умримнинг энг гўзал лаҳзаларида.

Ўшанда энг олий бир дард, севгимиз,
Юракда улғаяр эди муҳаббат.
Висол шаробидан ситқорардик жим
Тагин, ташна эдик шу ҳисга фақат.

Ногоҳ булут босди фалакни бирдан,
Сўнг тўсиқ ташлади йўлагимизга.
Сен мендан нолидинг, мен-чи тақдирдан
Шайтон ҳамла қилди юрагимизга.

Сен осон унутдинг ва кечдинг осон,
Тушунмай муҳаббат лаҳжаларини.
Шу таҳлид йўқотдим мен сени эркам,
Умримнинг энг гўзал лаҳзаларини...

ИЛК СЕВГИ

Анор богда осуда кеча
Бир ҳис солди кўнглимга чақин.
Бизга тенгдош гўзаллар неча
Фақат Гулноз менга энг яқин.
Ўша оқшом ой воқиф сирдан
Чакмонимни бошига ёпдим.
Қувламачоқ... ушладим бирдан,
Бекимчачоқ... шу ерда топдим.
Йиллар аро гардун айланди,
Не тавишлар тушди бошимга.
Оқиб кетган сувлар лойланди
Ғажга ботдим йўзим ёшимда.
Гулноз ўзга висолга етди,
Севимга у вафо қилмади.
Сўнг шаҳарга бош олиб кетдим,
Биров билди. Биров билмади.
Бугун эса дил тўла ҳадиқ,
Илк севгимнинг ифори тўйдим.
Қувламачоқ... етолмадим лек,
Бекимчачоқ... йўқотиб қўйдим.

БИБИЖОН

Баланд девор, гов девор,
Асов девор, ёв девор,
Боши берк бу кўчамиз,
Қай томонга учамиз?
Қай томонга учамиз?

Шоҳ супа-ю айвонлар,
Энди бизга тор келди.
Севгимизга тўғаноқ
Уят келди, ор келди.

Дарвозангдан бош суқсам,
Сени қўмсаб мўралаб.
Отанг сўқар бўралаб,
Отанг сўқар бўралаб.

Қайда қолди қарогим,
Оқ балқиб турган кеча.
Тол шоҳида арғимчоқ,
Элтганим юлдузгача.

Бугун зулмат кечамиз
Қай томонга учамиз?
Қай томонга учамиз?

Қўлингда момақаймоқ
Баргак қоқиғуллардан.



Ўзинг эдинг санам
Шу чорбоғу гуллардан.

Қирғоқ тўла ялтизлар,
Шаффоф сувли ариқча.
Ёсингдам, жон биби,
Бир жуфт тилла балиқча.

Ялтиз тўла этагинг
Уй томон чопганимиз.
Пасткам девор, лой тандир,
Кўй сомса ёпаганимиз.

Наҳот энди бир зумда,
Шамдай ёниб ўчамиз.
Айт Бибижон, жон биби
Қай томонга учамиз?
Қай томонга учамиз?

Қисмати нима ўзи
Тунд экан, гайр экан.
Бу дунёнинг кечмиши
Лаҳзалик сайр экан.

Ечимни тополмай
Ох, бунча оворамиз.
Кел, Бибижон, бир бўлиб
Худога ёлворамиз,
Худога ёлворамиз.

Тақир-туқур арава
Карвон кетиб боради.
Сандиқ тўла тўёна
Армон кетиб боради.

Кўксима тиллар санчиб
Дейман тақдирдан ранжиб:
"Эй бевафо, алдамчи
Ижон кетиб боради".

Девор йиғлар, дун йиғлар,
Кундуз йиғлар, тун йиғлар.
Билмам ёлгон, чин йиғлар,
Гумон кетиб боради.

Мен жонимни бердим, деб,
Минг жонимни бердим, деб,
Жонимни бердим, деб,
Омон кетиб боради.

Товоғига тўш илиб,
Момо кетар эшилиб,
Ёр-ёрларга қўшилиб
Осмон кетиб боради.

Сандиқ тўла тўёна
Армон кетиб боради.

Фахриддин ХАЙИТОВ

ХАВАСГА АРЗИГУЛИК УМР

Лаълихон ҳожи ая билан Зухриддин ҳожи отага маҳалладагилар ҳавас билан қарашади. Муҳлисимиизга "ҳавас билан қарашади" деган ибора жуда жўн бўлиб туюлиши мумкин. Аммо яхшироқ ўйлаб қаралса, бу тавсиф ортида қанчадан-қанча меҳнат, тириклик машаққатлари, тангрининг синовли кунларида ироданинг тобланиши, ғолиблик суруридан баҳраманд бўлган дақиқалар-хуллас катта ҳарфлар билан ёзилган Умр мужассам.

...Ҳаёт қийинчиликларидан толган онларимиз, 70 ёшли аяжонимни сўроққа тутардим. (Аям дунёвий ва диний илмлардан бохабар аёл эдилар):



- Аяжон, шу ёшгача ҳаёт қийинчиликларига қандай чидадингиз?... "Ирода" деганларига қаердан қувват олиш мумкин?... саволларимнинг чеки бўлмасди. Улар эса вазминлик билан: "Болам, инсонни яратган Эгам, бар-

дошни ўзи беради. Умр дегани - унинг марҳаматига ишониб яшамок-да", дердилар.

Лаълихон ая билан Зухриддин ота ҳам "ҳожи ая, ҳожи ота" бўлгунларига қадар ўтган ҳаётларини хижоа қилиб беришаркан, аямнинг юқоридаги гапларини эсладим. Лаълихон ая фикримни давом эттиради:

- Ҳа, сингилжон, Оллоҳимнинг марҳамати кенг экан, ёшликнинг ҳам, кексаликнинг ҳам ўз ташвиши-ю, қувончлари бўларкан. 3 болали бўлганимдагина Низомий номидаги педагогика

институтини тугатганман. Келин бўлган хонадонимда 18 жон бирга яшардик - худди "келиндар кўзғолони" спектаклидагидек. Фарқи, биз 3 овсин ва бизнинг болаларимиз, қайнилар, қайнингил, қайнота, қайнона бирга эдик. Қайнонамиз бизни "унақанги" тергамасдилар. Қайнотам айниқса бизга жуда хурмат билан муомала қилардилар. Ҳатто мени "Лаълихон, отин қизим" деб чақирардилар. Бир неча йил Юнусобод тумани Оқтепа маҳалласидаги Юсуф Мўминов номли мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бердим. Турмуш ўртоғим ҳам илм йўлини тутдилар. Биология институтини илмий ходим бўлиб ишлаб, диссертацияларини хижоа қилдилар. Мен бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериш билан бирга мадрасада ҳам ўқидим. Илми одам уйда ҳам, қанда ҳам бўлар-бўлмас гапларга, алдовларга ишонавермайди. Ҳатто болаларини ҳам бировлар алдашига имкон бермайди...



Лаълихон ая бугун нафақада бўлса-да, доим маҳалла фаоллари билан бирга. Бир неча марта "Ёр-ёр", "Келин салом", "Алла" кўрик-танловларида ғолиб бўлиб, шаҳар ҳокимлигининг мукофотларига муносиб кўрилдилар.

Ҳа, ая айтганларидек, оиланинг олтин калити-сабр-қаноат ва аҳиллик деган қўйилмалар асосида дунёга келади. Зеро Лаълихон ая ва Зухриддин ота Салоҳиддиновларнинг 4 фарзандга ва 9 набиргага берган ибратлари беназирдир.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

Кўлида бир даста таклифномалар кўтариб тахририятимизга ўрта ёшли киши кириб келди.
- Биринчи хотиним вафотидан сўнг, тўрт нафар фарзандим билан қолгандим, - дея сўз бошлади у. - Уларга ҳам ота, ҳам она бўлишга ҳаракат қилдим. Аммо, бу савдолар қийин экан. Кун бўйи ишда бўлман, уйга, болаларга

уларни уйимга ҳам олиб кетардим. Мана бир йилдирки қайсинглим ишидан бўшаб кетибди. Унинг ҳам, хотинининг ҳам уйини билмайман. Улар менга ман-

Лекин онаси фарзандларимни мендан совитиши, бездириши ҳам мумкин.
Тўрт нафар опа-акалари ҳам укаларини яхши кўришади. Мен ҳамма фарзандларим келгусида бир-бирлариникига борди-келди қилишса, тўй-маъракаларида ёнма-ён туришса деб, орзу қиламан.

Ваҳоланки, бунинг нимаси ёмон? Мен куч-қувватим борида уларга ёрдам беришни истайман, албатта. Хотиним қийналса ҳам менинг олдимда сир бой беришни истамайди. Ким билди дейсиз, эҳтимол, бўлиб ўтган ишлардан у ҳам пушаймон қилаётгандир. Нима бўлганда ҳам болаларимга жабр бўлди. Тиртириб юрагинг соғинчдан ўртанган пайтда фарзандингни бир кўришга зор бўсанг-а? Улар ҳам мени шундай соғинаётганларини ўйлаб дардимга-дард қўшиливеради. Яна бир нарсани ўйлаб сиқилиб кетаман. Улар ҳали бола-да, онасининг яшаш жойини яшириб, болаларимни мендан олиб қочи-

нинг соғинчи ўртаб, ичикиб, оstonангизга келдим. Менинг бу аҳолимини болаларим билиши, тушуниши керак. Шу ҳақда бир мақола ёзсангиз... Майли, йиллар ўтса ҳам болаларим билан барибир учрашамиз, уларни топаман, албатта. Шунда ўқиб кўришиб менга уларсиз қанчалар қийин бўлганини билиб олишармиди, дейман-да...

Энди тўй ташвишлари билан банд бўлиб кела олмайман. Мабоодо макорлангиз босилгач сизга кўнғирок қилишиб, мени сўраб келишса, мана бу таклифномаларни бериб қўя олмайсизми? - дея у фарзандларининг, хотинининг номи битилган таклифномаларни узатди. Сўнг, бироз хаёл сурди-да, "Сиз билмайсиз, менинг ҳамма фарзандларим жуда ажойиб, истеъдодли, ақлли ва жуда чиройли болалар", дея таъкидлади-да, хайрлашиб кетди.

Дунёда бахт ва бахтсизлик бирга бўлганидек, айрилик ва дийдор ҳам ҳаммиса ёнма-ён эканлигига яна бир бор иқдор бўлдим. Ота ўз пушти камаридан бўлган фарзандини излаб, изтиробда, она эса... Манзилени отага бермайдди. Эру-хотининг ўртасида нималар ўтган эканки, уч бола Тошкентнинг қайсидир гўшасида ота дийдоридан бенасиб яшайди. Она куйса сўзида, эркак куйса кўзида, кўринади, дейишади. Кўзлари ҳасратини билдириб турган ота, умид билан кетди. Биз эса унинг болаларини топишга ёрдам берар деган умидда шу мақолани ёздик. Илоё, дийдорга зор диллар топишсин.
ГУЛБАШАКАР

ЖИГАРБАНДЛАРИМНИНГ

эса она керак. Шундай қилиб бир аёлга уйландим. Ундан ҳам уч нафар фарзандимиз бор. Яшаб юрдигу кейинчалик, аниқроғи биринчи хотинимдан бўлган болаларим катта бўлишгач, уйда жанжал кўпая бошлади. Хотинининг назарида мен топган-тутганимни олдинги болаларим учун сарфлаб юбораётгандек туюларди. У кўпинча: "Сизга ўша фарзандларингиз керак, мана булар ҳам сизга ўғай эмас-ку! Буларни ҳам уйланг-да, ахир", - дерди. Кейинчалик бундай галвалар кўпайгандан кўпайди. Охири уч боламни олиб кетди-қолди.

Оилавий муносабатинглар шу сабабдан бузилдими?

-Ўзимча шундай деб ўйлайман. Яқинда биринчи хотинимдан қолган кенжа қизимни турмушга бермоқчиман. Ана шу қизимнинг тўйига кейинги хотиним олиб кетиб қолган уч фарзандимни таклиф этгани келганди.

Уларни таклиф этдингизми, боришадиган бўлишдингизми?

- Ҳамма гап шундаки, фақат қайсинглим ишлайдиган жойни билардим, холос. Болаларим билан у орқали кўришиб, совга-саломини берар, баъзан



зилларини ҳеч қачон айтишмаганди. Ҳар йили уйимга ёзда бориб дам олиб келадиган болаларимни бу йил онаси юбормади.

Мана, кўлимда эса оналарининг тўйига ёзилган таклифномалар... Энди болаларимни қаердан излашим керак? Болаларим мен учун жабр кўришини истамайман. Баъзи оталардек улардан кечганим ҳам йўқ, Кечолмайман ҳам. Ҳали уларни ўқитиб, уй-жойли қилиш, насиб бўлса камолини кўришдек орзу-хавасларим бор дилимда.

СОҒИНЧИ ЎРТАЙДИ...

юрганини билишмаса ҳам керак. Болаларимнинг тасавурида мен бир бемехр ота сифатида қолишни сира истамайман. Бир йилдан буён фарзандларимни излаб, соғиниб ҳасратда юрибман. Энди бор умидим сизлардан...

Сизга қандай ёрдам беришимиз мумкин?

- Ҳар ҳолда от билан туя сўрамайман. - Мени жигарбандларим-

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Истараси иссиқ, қомати келишган, лекин кўзлари жуда маънос 25 ёшлардаги аёл ўзини Мехринисо деб таништиради. Ёнидаги ўзига ўхшаб кетадиган 15 ёшлардаги қиз-синглиси экан.

- Менинг ёшимдагилар аллақачон уйли-жойли, фарзандли... - дея сўз бошлади Мехринисо. - Мен эса ўзимни худди ўргимчак тўрига тушиб қолган тутқунга ўхшатаман. Энди, тўрдан чиқиб йўлини топганимда янги ипларга маҳкамроқ ўралашиб қолавераман.

Синглим, нима бўлди ўзи?

- Отам жуда кўрс, баджаҳл, онамни сўкиб тергайверарди. Улар куни билан далада бўлишар, мен уйда синглиларимга қараб ўтирардим. Жанжалдан сўнг отам кўпинча ичиб келар ва уйда чўзилиб ётаверарди. 12 ёшда эдим. Бир куни отам уйга яна маст ҳолда келди. Онам далада эди. Мен отамга ўрин тўшаб чиқиб кетаётган эдим, маҳкам тутиб олди. Кўлидан чиқиб кета олмадим... Ароқ, тер ва аллақандай хидлардан нафасим сиқилиб, хушимни йўқотдим. Отам мени зўрлаб бўлгач, кўлидан чиқиб қочдим. Қўрқанимдан даг-даг титраб анча вақтгача ўзимга келолмадим. Ички кўркүвим устун келиб, бу гапни онамга айтмадим. Шундан сўнг отамдан қочадиган бўлдим. Айниқса маст бўлиб келганида умуман ёнига йўлмасдим. Синглиларим билан бирор жойда беркиниб ўтирардик. Яна бир куни отамнинг кўлига тушиб қолдим. Бу сафар ҳам онамга айтмадим. Лекин, отам мени учинчи марта тутиб олганида устимизга онам келиб қолди. "Вой-дод" деб хушидан кетди. Онам сал ўзига келгач, мени бағрига босиб роса йилгади. Отамнинг мастлиги таркагач, онам унга: "Ўз фарзандингизни тириклайин гўрга тикибсиз-ку! Илоё, сиздек отани ер ютсин", - деб қаради. Отам мен билан онамга ялинишга тушди: "Агар бировга айтсаларингиз, қамалиб кетгандан кўра ўзимни ўлдирарман", - деди. Онам оиламиз шарманда бўлишидан қўрқиб бу гапни ҳеч кимга билдирмади. Отам эса менинг юзимга қарамасди.

Кейин нима бўлди?

- 9-синфдан сўнг, туман марказидаги коллежлардан бирига ўқишга кирдим. Ижарага жой топдим. Уй эгаси-50 дан ошган киши хотини ва уч фарзанди билан яшарди. Менинг ўзимга алоҳида бир

хона беришди. Хотини жуда яхши аёл экан, мени ҳам ўз фарзандидек кўра бошлади. Нихоят йўлимини топгандек эдим. Афсуски, хурсандчилигим узокқа чўзилмади. Яна бошимга фалокат тушди.

Қандай фалокат, нима бўлди?


- Бир куни уй эгаси оиламиз ҳақида сўраб қолди. У киши отамдан ҳам анча катта бўлганлиги учун, қолаверса, "қизим" деб ширин гапирга-

ҚАДДИНГИЗНИ, ҚАДДИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ТИКЛАБ ОЛДИНГ

нига кўнғилим зрибим, билмадим, оиламиздаги аҳвол, отам билан бўлган воқеа ҳақида гапириб бердим. Лекин катта хато қилганлигимни жуда кеч тушундим. Шу кундан эйтиборан Б. амакиннинг фикри ўзгарди. Ўзгарганлигини қарашларидан, ҳаракатларидан сезиб, қўрқа бошладим. Бу уйдан чиқиб кетиб, бошқа уй-жой топишим қийин бўлганлиги учун ноилож яшаб юравердим. Бир куни кечаси қаттиқ ухлаб қолган эканман, ўзимни кимнингдир қучоғида эканлигимни сезиб, уйғониб кетдим. Бақирмоқчи эдим, оғзимни кўли билан беркитди. Унинг кўлидан чиққач, йиғлаб нарсаларимни йиғга бошладим. Аммо Б. амаки менга: "Ҳеч қаерга кетмайсан. Кетсанг, мен отанг билан бўлган гапни ҳаммага айтиб, отангни қаматиб юбораман. Оиланг, ўзинг шарманда бўласан. Гапларимга кириб, ҳеч кимга айтмай юрсанг, ўзим сени едириб-ичираман, кийинтираман, пул бераман. Яхши бир одамни топиб ўзим сени узатаман", - деди. Мен ноилож аҳволда қолганлигимни сездим. Қўнишдан бошқа чорам қолмаганди. Хуллас унинг айтганига қўниб юравердим. Хотини ва болалари ҳеч гапдан хабар топмади. Б. амаки ўзи айтганидек мени ҳеч нарсасга зориктирмади. Уйга пул ва совга-салом бериб юборарди. Уйдагилар хайрон бўлиб: "Шунча пулни қаердан олаёсанг", - деб сўрашди. Мен бўлган гапни айтиб бердим. Отам муштини тугса-да, ҳеч нарса демади. Онам эса йиғлаб юборди. Ўқишга қайтар пайтим отам: "Майли, қизим пешонангдан бор экан. Мени кечир. Индамай юраверчи", - деди холос. Б. амакинникида доимо

ўзимни гуноҳкор ҳис этиб яшадим. Ўқишимни тугатсам, овоз қуш бўлман, деб ўйлагандим. Б. амаки вилоят марказидадан уй сотиб олиб, мени ўша ерга қўчириб олиб бориб қўйди. Қўнмаган эдим: "Мен яхши бир инсонни топганимча чид", - деб қўймади. Яна унинг айтганини қилиб яшай-

вердим. Б. амаки ҳамма нарса билан ўзи таъминлаб турди. Бу орада онам ҳаётдан қўз юмди. Мендан кичик синглим турмушга чиқди. Отам уйланди. Мен энг кичик синглимни олиб келиб, лицейга ўқишга киритдим. У бу йил ўқишини тугатади. Б. амаки ҳар hafta келиб-кечиб юраверди. Бу орада бир йигит билан танишиб қолдим. Биз бир-биримизни ёқтириб қолдик. Бу ҳақда Б. амакига айтдим. У уйланиб туриб: "Майли, гаплашиб кўрармиз", - деди. Мен йигитга бошимдан ўтган воқеаларни яширмасдан очик-ойдин айтдим. Мақсадим, айбларимни бўйнимга олиб, ҳалоллик билан турмуш қуриш эди. Йигит мени тушунди: "Мен албатта сени бу тузоқдан қутқазаман. Фақат бир илтимос, бу гапларни ҳозирча онамга айтма", - деди. Сўнг онасини уйимизга совчиликка юборди. Мен Б. амакинни чақирдим. Мени узатишга розилик билдирди. Тўй куни ҳам белгилади. Лекин тўйга бир-икки кун қолганда, "Тўй бўлмайди", деди-да, қудаларнинг нарсасини қайтариб берди. Йигит билан онасини агар мен розилик берсам, Б. амакисиз ҳам бизни никоҳлаб қўйишларини билдиришди. Мен рози бўлдим ва Б. амакисиз севган йигитим билан никоҳдан ўтдим. Қайнонам, эрим ва мен жуда бахтиёр эдик. Орадан бир hafta ўтиб, олдига синглимни солиб уйимизга Б. амаки келди ва жанжал кўтарди. Қайнонамга мен ҳақимдаги ҳамма гапни гапириб берди. Бу гапларни эшитиб, қайнонам бошини



чангаллаб қолаверди, эрим эса уйдан чиқиб кетди. Мен ҳам синглим билан уйдан чиқиб кетдик. Б. амакинникида бормадим. Синглим айтишича, мен кетгач, уйда ёлғиз қолган синглимнинг ёнига Б. амаки келиб: "Агар сен опангни ўрнига мен билан яшайверсанг, опангни ҳаётини бузмайман", - деди. Синглим кўнмагач, уни ёнига солиб қайнонамникига келган экан. Ҳозир синглим иккаламиз ижарада яшаймиз. Яқинда унинг ўқишлари бошланади. Мен эса ишга кирмоқчиман. Тахририятга ёрдам сўраб келганим йўқ. Бу ерга келишдан мақсадим, аввало дилмидагиларни айтиб, кўнглимни бўшатиш. Қолаверса, менга ўхшаб ўз йўлларида адашган қизлар кадр қўйиматларини, ўз ҳақ-хуқуқларини билсинлар, ўзини ҳимоя эта олсинлар, демокчиман.

Ҳар ким қилмишига кўра жазо олишга маҳкум. Бир воқеанинг гувоҳи бўлгандим. Бир инсон 8 яшар ўғай қизчасининг номунига тегмоқчи бўлгани учун 10 йилга қамалиб, жазони ўтаб келди, лекин одамларнинг нафратига учради. Виджон азоби жон таслим қилгандагина уни тарк этди.

Жамиятимизда инсон хуқуқлари муҳофазасига катта эътибор берилади. Маҳалла қўмитаси, хотин-қизлар қўмитаси, туман, шаҳар ҳокимияти, хуқуқ органлари бор. Ҳеч кимнинг қадди ҳам, қадри ҳам буқилмасин.
Лола АҲМЕДОВА

ДАРНИНГ МАЛҲАМИ - МЕҲР

Азизим Нозимахон! Мен ҳам худди сиз каби қалби кемтикман. Азизим! Бу дунёнинг қувончи ҳам, гами ҳам ўткинчи. Муқаддас китобларда айтилишча, қиёмат куни ногирон кишилар Оллоҳнинг марҳаматиноа ноил бўлармиш. Кўзи охижларга эса Тангрим ўз жамолини кўрсатар эмиш. Диёрнинг эса оёқ-қўли соғ бўлса-да, кўнгли оқсоқ. Кўнгли оқсоқлиги давоси йўқ дард. Насрулло исмли шоир дўстим бор. Ўз созию овозига эга, аммо юриш бахтидан бебаҳра. Бундан бир неча йил олдин гўзалликда тенги йўқ бир қизга уйланди. Кўзундоқдай фарзандлари бор.

Нозимахон бу борада сиз ҳам маълум маънода айбдорсиз. Нега унга бунчалик ишондингиз? Бундан бир неча йил олдин ўзимга ўхшаш кўзи ожиз бир йигит севги изҳор қилди. Орадан бир йил ўтмасдан иродасизлиги туфайли ота-она қаршилигига тоб беролмай жуфтакни ростлаб қолди. Ноллган томоним ота-онангизни розилигини олинг деганимда «Ота-онам рози бўлди», - деб мени алдагани. Эндиликда ота-онангизнинг қаршилигини рўқач қилиб қочиб қолгани. Ҳар бир дарднинг малҳами меҳр.

Бундан бир йил олдин бир соғлом йигит кўнгли изҳор қилди. Оғзи куйган қатқини ҳам пуфлаб ичаркан. Анчагача розилик бермай юрдим. У бирин-кетин оила аъзолари билан мени таништирди. Отасига: «Бу келинингиз бўлади», - деб айтди. Шунда отаси, «Худо хоҳласа қизим бўлади», - деган жавоб қилди. Жияни ва акасини уйимга олиб келди. Бу ишонч пойдевори эмасми. Мен бу ҳақда уйдагиларга, дўсту-ёрларга билдирдим. Хозирда ҳалолликни дилга жо этиб ошқора аҳду-паймон қилиб юрибмиз. Бирга бўлиш бўлмаслигимиз тақдир ҳукмига боғлиқ. Бу борада айтмоқчиманки, севгисига садоқатли инсонлар ҳам бор. Севги учун ташқи гўзаллик шарт эмас. Мен ўша йигитимга: «Мен бир ожиз бўлсам, қайси жиҳатимни ёқтириб қолдингиз», - деб сўрадим. «Билмайман, аммо менга сендан ўзгаси керак эмас, шунин билан», - дейди.

Нозимахон, ҳали келажакнинг олдинда. Насиб бўлса бахтли бўласиз. Лекин юрак амрига ақл билан итоат этинг!

Моҳира БҮРИЕВА,
Термиз шаҳри.

“Ниятим ишқим каби пок эди” -15-сон

ЭСЛАТМА: Биринчи гуруҳ ногирониман. Диёр исми соғлом йигит билан учрашиб юрак. У мени севгишга ишонтирди. Афсуски, бир куни уни бир қиз билан кўриб қолдим. Шундан кейин у менгиз камчилигини юзимга солиб, севмаслигини айтди. Уйланди. Аммо туғилган фарзанди ногирон экан. Муаллиф: Х. ҲОТАМБОВЕВА.



Нозимахоннинг дил сўзлари менинг ҳам қалбимни ўртади. Бу йигит биринчидан ўзининг қадрини, иккинчидан муҳаббатнинг қадрини билмайди. Агар йигит ўзини инсон сифатида қадрласа, ўзга бир инсонга севги изҳор қилиб, камчилигини ўзига солмас, қалбини, юрагини вайрон этмасди. Муҳаббатнинг асл моҳиятини тушу-

ганда Нозимахонга уйланиб, у билан бахтли ҳаёт кечирган бўларди. Минг афсуслар бўлсинки, у Нозимахонни камситди. Халқимизда бир мақол бор: «Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир». У ўйламади. Агар у ўйлаб гапирганда, Нозимахонга ётиги билан тушунтириб, бир умрга дўст бўлиб қолишни таклиф қилган бўларди.

Нозимахон Диёрнинг ўғли ногирон бўлишида айбдорманмикан? - деб ўқинибди. Нозимахон синглим, бу ерда сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ. Сира ҳам ўқинманг. Оллоҳ ҳар бир нарсани

кўриб, билиб турибди. Ҳар бир бандасига қилган амалига қараб ўзининг ҳадясини ўзи беради. Ҳеч бир инсоннинг ҳаёти-да содир бўлган қайғу-аламда ўзга бир инсонни айблашга ҳаққи йўқ. Ҳар бир инсон айбни аввало ўзидан изласин.

Нозимахон! Сиз очик кўнгли, меҳрибон, дилкаш инсон экансиз. Бу дунёда сизнинг ҳам бахтли ҳаёт кечиршига тўла ҳаққингиз бор. Вақти келиб сиз ҳам гўзал бир оиланинг бекаси, севикли ёр, шириндан-шакар фарзандларнинг меҳрибон онаси бўласиз, деган умиддаман. Оллоҳдан шунин тилайман. Илоҳим кейинги ҳаётингиз сермазмон ва ҳар бир кунингиз бахтга тўлсин. Кейинги ҳаётингиз ҳақида севимли газетам «Оила ва жамият» орқали билиб олармиз, деган умиддаман.

Агар истасангиз мактуб орқали дардлашиш, фикрлашиш, дўстлашиш учун менга хат йўллашингиз мумкин.

Хусинбой ОТАХОНОВ,
Хоразм вилояти,
Хива тумани,
Ўзбекистон ш/х
бр №8 инд: 741416

ФАРЗАНД КЕЛА-ЖАГИ МУҲИМ

Ҳурматли синглим! Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Балки, фарзандларингиз бағрингизга ўсмаётгани учун ўқинсангиз керак. Агар яшаб кетишингизга ишонч бўлмаса, фарзандларингиз бағрига қайтинг. Улар отасиз ўсмаётгани етмагандай, она меҳрига ҳам зор бўлмаслар. Яхши-ёмонни фарқлай оладиган ёшдасиз. Фарзандларингизнинг келажagini ўйланг.

Мастура АБДУРАСУЛОВА,
Бекобод шаҳри.



“Кўнглингизга қулоқ солинг” 30-сон

ЭСЛАТМА: Эрим вафот этиб, икки фарзандим билан қолдим. Яна турмуш қурдим. Иккинчи эрим эса... Мени одам ўрнида кўрмади. Ҳаммасини ташлаб, болаларимнинг олдига қайтайми? Ёки шу тақдиримга кўниб яшай-верайми?

Муаллиф Л. АҲМЕДОВА.

“Дугонамни йўқотдим...” 27-сон

ЭСЛАТМА: Дугонам тез-тез зиё-фатларга бориб турарди. Бир куни мени ҳам таклиф қилди. Бориб ҳайрон қолдим. Чироқни ўчириб йигит-қизлар валгаса тушишаркан. Шундан кейин дугонамни кўришга тоқатим қолмади.

ИРОДА,
Фаргона.

ЁМОНДАН ЙИРОК,

Ҳаёт меҳр-шафқат, дўстлик билан гўзалдир. Ота-онангга, опа-синглиннга айта олмаган сирларни дўстингга айтасан, у билан маслаҳатлашасан. У яхши бўлса, ундан ўрнак оласан. Лекин шундай дўстлар борки, ўрнак олиш тугул, унинг қилган ишларини кўриб, виждонимиз қийналади. Турган гапки, бундай дўстлардан кечмоқ керак. Иродохон, сиз дугонамни йўқотдим деб, ёзиб-сиз. Дугонангизни йўқотганингиз яхшиликкадир. Бундай инсонлар ҳеч қачон ибратли, меҳри дўст бўла олмайдилар. Маишати учун эрини, болаларини алдаган аёл ҳеч қачон, ҳеч кимга дўст бўла олмайди.

Ёшлигимизда эски шаҳарда яшаганимизда, кўшимиз Каримахон деган аёл бўларди. Улар эр-хотин жуда аҳил ва бахтиёр эдилар. 2 нафар қизлари бор эди. Салим ака катта бир қорхонанинг бошлиғи эди. Каримахон эса болалар тарбияси, уй хизматлари билан бўлиб, иш ҳақида ўйлолмасди ҳам. Каримахоннинг Саида деган сирдош дугонаси бор эди. У эридан ажраган, енгил-так, ўйламай иш қиладиган аёл эди. Каримахоннинг иккита қизи бўлиб бу сафарги ҳомиласидан ўғил фарзанд кўришни орзу қилганди. Аммо у яна қиз кўрди ва касалхонада анча ётиб қолди. Бир куни Каримахоннинг эри билан Саида бир вақтда уни кўргани касалхонага келиб қолишди. Салим касалхонадан кетаётганда машинасида Саидани

Иродохон! Сизнинг дугонагиз ҳақидаги тафсилотларингизни ўқиб, аёллар шаънига ҳақорат ёғдирадиган ўшандай аёл борлигидан жуда-жуда нафратландим. Уч фарзандини дунёга келишига сабаб бўлган эрни оёқости қилиб турли найранглар ишлатиб «илму амал»нинг кучи билан Россияга жўнатиб юборгани ақлга сиғмади-я!

Яхшиямки, «изҳор» ингизда шумқадим дугонагизнинг исмини ёзмабсиз, йўқса, юртимиздаги шундай исмли аёллар шаъни булғанармиди?

Сиз ўзингиз мулоҳазали, ўзгаларга, айниқса, дугонагизга меҳрибон бўлиб кўринасиз. Дугонагизнинг кирдикори очилмагунча, унинг чилдирмасига сиз ҳам ўйнаб «фалончининг туғилган куни» ниқоби остида ўтказилган беъмани зиёфатга борибсиз-а?

Иродохон, гапингизга қараганда бун-

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

Оилада ҳамма нарса ўз ўрнида, меърида бўлмоғи лозимки, токи кўнглиларга гард кўнмасин.

Ўртада фарзандлар бор, уларнинг тақдири учун эр ҳам, хотин ҳам баб-баравар масъулдир.

Шариатда шарм йўқ. Лекин, оила деб аталмиш мўъжас қаср барпо этилган, хоҳ эр, хоҳ хотин бўлсин, андиша билан, етти ўлчаб, бир кесмоғи, ҳар бир қадамни ўйлаб босмоғи даркор. «Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», - дейдилар. Менимча, оталик ёки оналик масъулиятини ҳис қилган кишилар ҳеч қачон ўйламай гапирмайди.

Бу мақоладаги воқеа ўйламай гапи-



БЎЛГАН ЯХШИ

ҳам ола кетди. Саида уйга етиб келгач эса уни ичкарига таклиф қилиб, дастурхон тузатади. Сархил коньякнинг таъсиридан Салим маст бўлиб қолди. Улар шу куни жуда катта гуноҳ қилишди. Оила пойдеворига дарз кетди. Уларнинг ишқий саргузашти тобора авж олди. Энди Салим хотинини кўришга жуда кам борарди. Каримани касалхонадан олиб келишганда, эри унга нисбатан бутунлай ўзгарганди. Ҳатто чақалоқни қўлига ҳам олмади. Шу орада Саида ҳам ҳомиладор бўлиб қолди. Салим балки ундан ўғил фарзанд кўрарман деб, хотинини, қизларини ташлаб унинг уйда яшай бошлади. Ниҳоят Салим орзу қилгандай Саида ўғил туғди. Энди Салим Саиданикдан чиқмай қолди. Каримахон 3 та қизи билан эридан ажраб, ёлғиз қолди. Қизлар эса ота меҳрига зор, тирик етим бўлишди. Мен бу воқеани ёзишимдан мақсад, бундай дугоналар, бахт ўғриси бўладилар. Бировнинг боласининг кўз ёшини оқизган одам азалдан худонинг қаҳрига учраган.

Гайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани.

дай «зиёфат»ларга қанчадан-қанча йигит-қизлар қатнашяпти экан. Эссиз, минг афсус-надоматлар бўлсинки, барча жонзотларнинг гултожи бўлган инсонга «Ақл» деган буюк неъмат берилганки, унинг измидан четлашганлар муқаддас оиласини барбод қилиб, ўз жуфти, ҳалолни номусга қўйиб, фарзандларини бахтидан маҳрум қилиши аниқ.

Шунинг учун ҳам бундай суюқоёқ дугонанинг боридан йўғи афзал. Уни йўқотганингиз жуда саз бўлибди. Унинг қилмишлари ҳақида газетамизда бонг ургангиз фойдадан холи эмас, бундан ёшларимиз ўзига тегишли хулоса чиқариб олишга ажаб эмас. Уша дугонагиз ҳали Оллоҳнинг ғазабига учраши аниқ. Чунки «Ёлғоннинг умри қисқа», деб бежиз айтишмайди.

Афифа ХАСАН қизи

“Хато қилдик, йўл борми?” 30-сон

ЭСЛАТМА: Эрим билан айта-ишиб қолгандик. У жаҳл устида: «Уч талоксан!»,- деб юборди. Эртасига яна: «Бўлар иш бўлади, энди кетавер!»,- деди. Мен эса «ааа» дея ишга чиққан ўғамни тирик етим қилишни сира устайман.

Муаллиф: Тоҳир НОРИМОВ

рувчиларга сабоқдир. Мақола қаҳрамонлари эса оилани сақлаб қолиш учун жамоатчилик ва яқинлари билан бамааслаҳат иш кўришлари лозим.

Фарида ТОҲИРОВА

Дам олиш уйи адирлар "қўлтиги"даги хушманзара воҳага жойлашган. Бу ерда бўлоқлар ҳам сероб. Шаҳардаги галаговур ҳаётдан толиққанлар кўпинча шу ердан ором топишади. Дам олиш уйининг шинам коттежларида жойлашиб олган шаҳарликлар кўнгилларини хуш ўтказиш учун дарҳол таниш-билишларни қидиришга тушадилар. Жиндай ўзларини кўрсатиб қўйиш илнжида шохона дастурхон ёзишиб, битта-иккита кўзга илнган амалдор ва хонимларни таклиф қилишади. Зиёфатлар-зиёфатларга улашиб, маишатбозликлар давом этаверади. Дам олиш уйининг хизматчилари "шаҳарликларда бемаъни пуллар кўп-да", деган ҳаёлга боришади.

Ёзининг иссиқ кунларида бу ердан бўш коттежларни топиш амри-маҳол. Узокнинг донидан, яқининг сомони яқши дейишиб, кўпчилик мана шу оромгоҳга талпиниб қолишади. Уларнинг орасидан анча-мунча касалга чалинган хонимларни ҳар қачон топса бўлади. Одатда улар катта-кичик амалдорларнинг хотинлари бўлишгани учун салгина тақаббурроқ, ноз-карашмага мойилроқ бўлишади. Уларнинг албатта эрлари йўқлаб келади ва ҳеч қачон зиёфат бермай оқрасига қайтмайдилар.

Ана шундай пайтларда дам олиш уйининг дарвозаси атрофи турли-туман машиналарга тўлиб кетади. Айниқса, Абдурауф Сулаймоновичнинг кумушранг "Нексия"си кўпчиликка таниш бўлиб кетган. У анча йиллардан буён битта номдорроқ идорада курсига маҳкам ўрнашиб, бирова гапини бермай, катта-кичикка танилиб ишлаб келаётганди. Тўғрироғи, Абдурауф Сулаймоновични дам олишга унча вақти топилмасди. Аммо унинг хотини Маликахон ҳар йили дам олиш уйида бир-икки марта ҳордиқ чиқариб қайтарди. Маликахоннинг бел оғрик касали борлигини бу ерда ҳамма биларди. У энг яқши коттежларнинг бирини эгаллаб олиб, бутун бир оиллага мўлжалланган кен-мўл жойда унинг бир ўзи турарди.

Дам олиш уйининг хизматчилари, албатта, Маликахоннинг ҳурмати-ни жойига қўйишарди. Катта-кичик амалдорларнинг хотинлари унинг атрофида уймалашиб, у билан қалинроқ бўлишга уриниб қолишарди. Бу гал ҳам Маликахоним пардоз-андозини жойига қўйиб, ўзини киборроқ кўрсатишга уринаётганди. У дам олиш уйининг ҳовлисисини ҳар куни назокат билан бирикчи айлиниб чиқарди. Бу ерда қишлоқлардан келишиб дам олишаётган жайдари хотин-халажлар Маликахонимга қарашиб, бу жувоннинг ҳаётда ҳеч ташвиши бўлмаса керак, деб ўйлашарди. Унинг бўйнидаги, бармоғидаги тилла тақинчоқларга кўпчиликнинг эътибори бераётгани Маликахонимнинг ўзига ҳам хуш ёқарди. У пардоз-андозини шунақам жойига қўярди-ки, ҳеч ким унинг ёшини элликдан ўтган, деб айтмасди. Хуллас, лўппи юзли, лабини ҳар учига табассум жиллолаб турган, бодомқовоқ бу хонимга ҳаваси келмайди қаранг одамнинг ўзи йўқ эди. Яна бошқачароқ айтадиган бўлса, Абдурауф Сулаймоновични катта бир чинор десақ, Маликахонимнинг унинг соясидаги мўъжизакор бир ҳилқат эди.

Абдурауф Сулаймонович ҳам бўйдор, салобатли киши бўлиб, унинг ишдаги рақиблари ҳам талайгина эди. Лекин у рақибларининг биронтасига сўзини бермай, уларни лол қилиб қўйишга қодирлигидан пинҳона фахрлининг юрарди. Ўз ишининг ич-ичига кириб кетгани учун ҳам бошқалар унинг ҳатосини топа олмай хуноб эдилар. Абдурауф Сулаймоновичнинг яна бир нарсадан кўнгли тўқ эди-ки, икки ўғил ва бир қизи ҳаётда ўз йўлларини топиб олгандилар. Унинг топиши ҳам яқши эди. Дам олиш уйига бориб, хотини учун зиёфат қилиб бериш ҳеч гап эмасди. Албатта юг урдаклари ҳам хизматига ҳаммаша ҳозир эдилар.

Кечagina ўша дам олиш уйидаги шинамгина коттежда зиёфат уюштириб қайтганди. Бу зиёфатга Маликахоним

танлаб-танлаб меҳмонларни таклиф қилган. Тўрт аёл ва беш эркак дастурхон атрофидан жой олишиб, олий навли таомларни ва ичимликларни истеъмол қилишиб, Маликахонимнинг очиқ чехрали, дилбар аёл эканлигини, Абдурауф Сулаймоновичнинг саҳийлиги ва дилкашлигини бот-бот таъкидладилар.

Шундай бўлса-да, Абдурауф Сулаймонович зиёфатдан бироз кўнгли хижил тортиб қайтганди. Сабаби зиёфатда жингалаксоч, қиррабурун йигит кўлига қадаҳ олиб гапирганида, дастурхон атрофидаги бир-бирларига маъноли қараш қилиб, аллақандай сирли жилмайиб қўйганлиги, Абдурауф Сулаймоновичнинг шубҳасини кучайтириб қўйганди. Сабаби у мана шу дам олиш уйида неча бор зиёфат берган бўлса, шу йигит албатта иштирок этаётганди. У гапирганда, Маликахонимнинг нозик лаблари учига кулги жиллолаб, юрагида ҳарорат пайдо бўлганини очик сездириб қўйганди. Лекин олтишга қадам қўйиб турган Маликахонимни ёш йигитлардан кизго-ни тўғри келмайдиган холат эди. Шундай бўлса, Абдурауф Сулаймонович ўша жин-

турди. Кўзига жўнгина кўринган аёл, уни иккита гап билан жойига михлаб қўйганди. Унинг лаблари билинар-билинмас титраб, жувоннинг юзига синчиқлаб боқди.

- Унда нега индамай юрибсиз? Ўзингиз ким бўласиз?

- Ўзимни таништиргани келганим йўқ, - жавоб қилди жувон. - Индамай юришимнинг сабаби, мен эримнинг шарманда бўлишини истамайман. Болаларим бор. Сиз ҳарқалай эркак кишисиз-ку?

Жувон хонадан қайтиб чиқиб кетишга шайланганда, бошлиқ уни тўхтатди.

- Тўхтанг! Бу гапингизни қандай исботлайсиз?

- Мен қаёқдан билай. Хотинингиз ёшроқ жазмани хушлаб қолгандир-да. Мана хонанинг қалити! Кечаси боринг, қувнаб, яйраб қайтиб келасиз.

Жувон қалитни гилам поёндоз устига ташлаб, хонадан чиқиб кетди. Абдурауф Сулаймонович курсига ўтириб, юрагини уқалай бошлади. Сўнг ўзи ҳам тушу-



галаксоч йигитнинг ҳаракатларини зимдан кузатиб турди. Унинг Маликахонимга қовурга гўштини қўлма-қўл қилиб уза-тиб юборганлигига кўзи тушиб, ичи баттар рашланди.

Эртасига Абдурауф Сулаймонович ўзининг иш столида ўтираркан, бирдан унинг ҳаёлига кечаги зиёфатдаги одамларнинг сирли жилмайиши тушиб, "хотиним дам олиш уйига бориб олиб, макр қилмапятимикин", деган шубҳа вужудини кемира бошлади. Шу пайт хона эшиги очилиб, котиба остонада пайдо бўлди.

- Абдурауф Сулаймонович, бир аёл сизнинг қабулингизга киришни сўрапти. Нима қилай?

- Қанақа аёл экан? - қолларини чимирди раҳбар. - Мовилнарқома учрашса бўлмасмикин?

- Ана шунақа десам унамапай. Ўзига айтадиган гапим бор дейди.

- Қанақа гап, деб сўрамадингми?

- Айтмапяти-да. Унга икки минут вақтингизни ажратсангиз кифоя қиларкан.

- Кирсин, - деди бошлиқ баттар қовоғини уюб.

Котиба чиқиб билиб олган одмига кириб, бироз кўринишдаги зилларга ўхшаб кетадиган, ўттиз беш ёшлардаги жувон кириб келди. Бошлиқ унинг салом беришини кутганди. Аммо жувон эшикдан икки-уч қадам ичкарига ўтиб, бошлиққа юзма-юз келди-ю, ўша жойда тўхтади. Бошлиқнинг чехраси янада тундлашди.

- Хўш, қандай гапингиз бор? Қисқа бўлсин!

- Энг қисқаси шуки, сизнинг хотинингиз билан менинг эрим дон олишиб юришибди.

Бошлиқнинг киприклари пирпираб, юрагига игна санчгандай оғрик турди.

- Қаёқдан билдингиз, буни?

- Шуну сезмаган бўлсангиз, қандай қилиб шундай нозик жойда ишлаяпсиз? Бошлиқнинг юрагига баттар санчик

ниб-тушунмай, эшик ташқарисидидаги кўнги-роқ тутмасини босди. Остонада котиба ҳозир бўлди.

- Эшитаман, Абдурауф Сулаймонович!

- Шофёрнинг оти нимади?

- Носиржон, - сергақланди котиба.

- Унга айт, машинани қўйиб, ўзи кетаверсин.

- Хўп бўлади, Абдурауф Сулаймонович!

Абдурауф Сулаймонович машинани дам олиш уйидан салгина нарироқдаги қиялиқда тўхтатди. Шу жойдан дам олиш уйининг ҳов-

лисидидаги чироқлар ялтир-юлтир бўлиб кўриниб турарди. Унинг қўл-оёқлари қалтираб, олдинга қадам босди. Дам олиш уйининг пасттақина деворидан ошиб ўтиш ҳам унга жуда машаққатли туюлди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, айрим коттежларнинг чироғи халиям ўчмаганди. Ҳарқалай дам олиш уйининг ҳовлисидан оқиб ўтаётган сой бўйида ҳеч ким йўқ эди. Абдурауф Сулаймонович сой ёқалаб, хотини яшаётган котеж ёнига яқинлашиб келаётганди. У энгига спорт трикосини кийиб, бошига ҳам тўқима қалпоқни бостириброк кўндириб олганди.

Маликахоним яшаётган коттежнинг ҳамма чироқлари ўчқик эди. Абдурауф Сулаймонович коттежнинг шундоққина биқинидаги катта чинор ёнида тўхтаб, атрофга разм сола бошлади. Афтидан унинг бу ерга келганидан кимдир хабар топиб қолганди. Соё устидаги кўприкдан ўтган киши ҳам чинор томонга бурилиб, унинг ёнига яқинлашди.

- Ҳа, бойота, уйқулари келмапятими?

Абдурауф Сулаймонович томоқ қириб, нотаниш кишининг саволига нима деб жавоб беришни билмай турганида, етиб келган киши овозини пасайтириб, шивирлади.

- Узр, кимдидир мўлжалга олиб турган бўлсангиз, халақит бериб қўймай тагин? Мен қоровулман, одамлар иргитиб юборган елим идишларни териб юрибман. Тиркичилик-да. Ўзингиз янги келдингизми, дейман?

- Жуда катта чинор экан, - гапни бутунлай бошқа томонга бурмоқчи бўлди Абдурауф Сулаймонович. Унинг гапидан жиндай бўлса, макр каттазанглик оҳанги сезилиб турарди.

- Бу чинорни кундузи кўрмабсиз, бойота, - гап қилди нотаниш киши. - Қурт илма-тешик қилиб ташлаган. Гавдаси бор, холос. Ҳозирги одамлар ҳам шунақа. Гавдасидан от хурқади. Лекин ичини гурбат еб ташлаган.

- Сиз буларни қаёқдан биласиз? - савол ташлади бошлиқ.

- Яратган эгам бу икки кўзини кўриш учун берган экан-да, бойота. Ўзим қоровулман. Бу ерда бўлаётган ишларни кўриб, қоровул бўлганимга шукр қиламан. Яхшиям биронта амалдор бўлмаганам.

- Нега унақа дейсиз? Ҳамма амалдорликка интиляпти-ку?

- Ҳе, бойота, мени ивгогар экан деманг-у, мана шу коттежда бир амалдорнинг хотини бир ўзи яшайди. Кеча унинг эри келиб, зиёфат бериб кетди. Ҳаромдан топган пул, ҳар қачон мана шунақа бемаъни зиёфатларга кетаркан. Мен унинг ўрнида бўлганимда бунақа хотинни бўғиб ўлдириб кетган бўлардим.

Абдурауф Сулаймоновичнинг юрагига тош тикилгандай бўлди. Агар кундузи бўлганида, қоровул унинг ранги оқариб, ўзига бир сонияда беҳисоб бўртмачаклар тошиб кетганини кўрган бўларди. Қоровул ҳар қалай ўзининг гапини суҳбатдошига ёқинқирамай тушганини сезди-ю, ўтланлар орасини кечиб, бўшаган баклашқаларни йиғиштириб олгач, қақдини тиккалади.

- Яқши дам олсинлар, бой ота!

Қоровул кетгач, Абдурауф Сулаймонович сой қирғоғига тушиб, ҳовулаб сув ичди. Кейин тошга ўтириб, чуқур нафас олиб, юрагига турган тиканини йўқотиш учун кўрагини сийпалай бошлади. У сой бўйида ўсган чинордан атиги бир қадамча пастда эди, холос. Унинг вужуди титраб, фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетган, чўнтагидан коттежнинг қалитини олиб, эшикни очишга унда журъат ҳам, қувват ҳам етишмаётганди.

Шу пайт кимингдир хиринглаб кулгани эшитилди. Пастликдан юриб чиқиб келган икки киши чинорнинг ёнида тўхтади. Абдурауф Сулаймоновичнинг димоғига атиринг ўткир ҳиди урилди. Бу ҳид унга таниш эди. У юқорига бўйланди. Пастликдан чиқиб келганлар гарчи чинорнинг ёруққа тескари томонига тўхташган бўлса-да, бемалол кўри-ниб туришганди. Уларнинг бири эркак киши бўлиб, жингаликсочга ўхшаб кўринди. У аёл кишини чинор танасига ўмганлаб, биледан маҳкам қучиб турарди.

- Вой секинроқ, - шивирлади аёл.

- Худди оч бўрига ўхшайсиз-а.

- Оч бўрининг бориға шукр қўлсангиз-чи, - жавоб қилди эркак. - Неча йилдан буён бел оғригингизни мана шу оч бўри даволаб келгипти-ку. Бунақа дардни даволаш эрингизни қўлидан келмас экан.

- Гапгаям қалпоқ кийдириб қўясиз-да, - хиринглади аёл. - Ҳар гулнинг ҳиди бошқа. Эрим пул топяпти-ку, ҳарқалай. Пул топиш бошқа, одамнинг қовурғасини жой-жойига қўйиш, бошқа.

- Майли, биз қовурғани жой-жойига қўйганимиз бўлсин...

Ана шундан сўнг иккиси қўл улашиб, коттежнинг эшигини очтиди. Зум ўтмай коттеж эшигининг қарсиллаб бекилган овози эшитилди. Абдурауф Сулаймоновичнинг бутун баданидан совуқ тер чиқиб кетди. У ўрнидан турмоқчи бўлиб, интиланг эди, лекин қақдини тиккалай олмади. Унинг кўзига ер-осмон айлангандай бўлди. Олдинга мункиб, калласи билан сой сувига шўнғиб йиқилди...

Эртасига Абдурауф Сулаймоновичнинг жасадини сойнинг қайрилиши жойига йиғилиб қолган шох-шабаллар ичидан топишди. Ҳеч ким бу фожеанинг тағига етаолмади. Маликахоним эса эрининг қирқини ўтказиб бел оғригидан шикоят қила-қила, яна дам олиш уйига равона бўлди...

КОМИЛЖОН НИШОНОВ

Аёлим оламдан ўтган. Опа-сингиллар, акам ҳам йўқ. Битта укам бор. У ҳам ўз оиласи, ўғил-қизлар билан яшайди. Менинг битта-ю битта ўғлим, 4 та неварам бор. Ўғлим қарамоғида яшайман. Ҳаётдан нолимайман. Қорним тўқ, уст-бошим ҳамиша озода. Ҳаёт баҳоли қудрат ўтиб турибди. Аммо ёлғизлик ёмон экан. Жуфти ҳалолнинг ўрни бошқа экан. Айниқса эркак кишига ёлғизлик ёмон билинаркан. Тўғри, айтишингиз мумкин, ўз яқин атрофларингизда муносиб аёл йўқми деб. Бор! Лекин улар баъзи бир сабабларга кўра турмуш қуришга ора қилишяпти. Фарзанди, неваралари кўз олдида турмуш қуришдан тортинишади. Менимча оила қуришнинг уяти йўқ. Ҳаёт қонуни бу. Баъзи бировлар яширинча урашиб, кейин мунофиқлик қилишиб, турмуш қурмасданок ажралиб кетишади. Кўни-кўшни олдида шарманда бўлиб, ўзларига гап-сўзга қолганлар ҳам йўқ эмас. Лекин мен эса бу беш кунлик дунёда ёлғиз ўтмасдан, бир боши очик муслима аёлни бахтли қилиш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

О. Фаргона вилояти.

Ёшим 49 да. Маълумотим ўрта. Тиббиёт ходими-ман. 15 йилдан буён ёлғиз яшаб келмоқдаман. Зарарли одатларим йўқ. Агар бир покиза, камтар, хушмуомала аёл бўлса танишиб, оила қуриш ниятим бор.

Манзилим тахририятда.

Саид, Қашқадарё вилояти.

Ёшим 23 да. Хали турмушга чиқмаганман. Тошкентликман. Бўйим ўртачадан келган. Чиройим ҳам ўртача. Нуфузли идоралардан бирида ишлайман. Хозирги пайтда негадир одамларга ишонишга қўрқадиган бўлиб қолганман. Ўзимга мос йигит учраса танишиб, турмуш қуриб, бахтли бўлиш ниятидаман. Тошкентлик, уйли-жойли, иш жойи тайин йигит бўлса яхши бўларди.

Манзилим тахририятда.

М, Тошкент шаҳри.

Ёшим 65 да. Рафиқам оламдан ўтган. Ўғил-қизларимнинг барчаси уй-жойли бўлиб кетишган. Ўзимнинг алоҳида уйим бор. Ёш ўтганда ёлғиз яшаш жуда оғир кечаркан. Кимгадир дардингни айтмасанг, маслаҳатлашмасанг бундан оғирроқ йўқ. Ҳеч кимнинг бошига бу кун тушмасин. Болаларим: "Ота, биз ҳам тинчиймиз, ўзингизга муносиб бирор аёл билан яшанг", - дейишади. Қани ўша аёл? Ёши 45-55 лардаги муштарип бир аёл бўлса оила қурмоқчиман. Моддий ва маънавий томондан тўлиқ таъминлайман.

Манзилим тахририятда.

Мансур, Тошкент шаҳри

Синглимнинг ёши 22 да. Ўзи иккинчи гуруҳ ногирони. Лекин уй ишларини кам-қўстисиз аъло даражада бажаради. Унинг бахти очирилиши жуда-жуда хоҳлайман. Ўзига ўхшаш ногирон йигит чиқса, сўраб-суриштириб узатардик. Ахир бу бир кам дунёда ҳар ким ҳам бахтли яшашни истайди. Синглим оила курси, фарзандлар кўрса, кемтик кўнгли тўлармиди, деган ниятидаман. Шундай йигит бўлса овоз берсин.

Манзилим тахририятда.

О. Тошкент шаҳри

1966 йилда туғилганман. Ичмайман, чекмайман. Касбим темирйўлчи. Рафиқам билан ажрашганман. Мени тушунадиган, касб-корли, оғир-вазмин, маълумотли, замонавий аёл бўлса, танишиб бир-биримизга маъқул келсак, оила қурмоқчиман. Агар мен излаган аёл тошкентлик бўлса, кўчиб бориб яшашга ҳам розиман. Сабаби, ишим юзасидан мен Тошкентда яшаганим маъқул.

Манзилим тахририятда.

Хусанбой, Тошкент вилояти.



Ёшим 65 да. Маълумотим олий. 9 фарзанднинг бобосиман. Турмуш ўртоғим оламдан ўтганига саккиз йил бўлди. Ўзим ёлғиз тураман. 2 хонали уйим, томаркам бор. Ёлғизлик одамни қийнаб юборар экан. Шунинг учун ақлли, эсли-хушли, одобли, ҳурматимни жойига қўядиган аёл бўлса оила қуриб тинч-тотув яшамок истагидаман. Агарда ўша аёл ўз уйига таклиф қилса, бориб яшаш ниятим ҳам бор.

Манзилим тахририятда.

Э. Самарқанд вилояти.

Ёшим 48 да. Кенжа қизимни узатиш арафасидаман. Кейин ёлғиз қолишни уйласам юрагим орқага тортиб кетади. Ишли аёлман. Тошкентлик, ёши 50 лар атрофидаги турмуши бузилган, иш жойи тайин, диёнатли уй-жойли эркак билан танишмоқчиман. Дунёқарашимиз тўғри келса, турмуш қуриш ниятим бор.

Манзилим тахририятда.

Наргиза, Тошкент шаҳри.

Ёшим 48 да. Битта қизим бор. Касбим шифокор. Дарс ҳам бераман. Хотиним оламдан ўтган. Ўрта бўйли, хушмуомала, камтарин аёл билан танишмоқчиман. У менга вафодор, қизимга меҳрибон она бўлса бас. Уни бир умрга бахтли қилиш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Абдулла, Самарқанд шаҳри

Мен 26 ёшимда талабалик чоғимда уйланган эдим. Бир болали бўлгандан кейин хотинимнинг ота-онаси рўзгоримизга араллашиб, ҳар-хил низолар чиқараверди. Охир-оқибат ажрашдик. Орамизда севги, ишқ-муҳаббат бўлмаган. Ҳозиргача уйланмай келдим. Лекин мен ҳам ўз севглимни топиб севиб-севилиб рўзгор қилиш, бола-чақали бўлиб бахтли бўлишни истайман.

Манзилим тахририятда.

Б. Сурхондарё вилояти.

Қизимнинг ҳеч қандай қусури йўқ. Маълумоти олий. Ёши 25 да. Фақат тенги чиқмаяпти. Келишган, баланд бўйли, хулқи намунали, маълумоти олий, тошкентлик, ота-онаси, уй-жойи бор соғлом йигитга узатиш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Муҳаббат, Тошкент шаҳри.

Ёшим 42 да. Турмушим бузилганига анча йил бўлди. Ҳаётдан, аёллардан кўнглим совиб уйланмай юргандим. Уйлаб қарасам бурога аччиқ қилиб кўрпа куйдиргандай иш тутаётганимни англаб етдим. Бухоро вилоятидан бўлган эсли-хушли, оқила бир аёл билан танишиб оила қурмоқчиман. Севимли касб-корим бор. Бир оилани ҳар жиҳатдан тўлиқ таъминлашга қурбим етади.

Манзилим тахририятда.

Н. Бухоро вилояти

Республикаимизнинг турли бурчақларидан "Қайда ўзи ўша бахт?" рунки остида берилган эълонлар бўйича ўнлаб кўнгириклар, таширлар бўлиб туради. Лекин уларнинг барчаси ҳам бир кўрғанда топилиб кетаяпти, десак ёлғон гапирган бўламиз. 80-90 фоиз эълонлар бизга келган хатлар асосида ҳоп этилади. Яқинлари, ўзлари келиб эълон берганлар ҳақида оз бўлса-да, тасаввурга эга бўламиз. Уларни кимгадир тавсия қилишимиз осон кечади. Юлдузлари тўғри келса хуш, йўқса қандай йўл тутиш уларнинг хоҳиши.

Бир кунги тушликка чиқаётиб, йўлак бошидан бир аёл у ёқдан - бу ёққа юраётганига кўзим тушди. Зина деразаси олдида 45 ёшлар чамаси бир йигит ташқарини томоша қилиб турган экан. Йигитга яқинлашиб: "Хизмат ука, кимни қутиб турибсиз?" - десам: "Эълон бўйича келганман. «Оила ва жамият»га эълон берган бир аёл би-

лан телефонда гаплашиб, учрашув жойини шу ерга тайинлагандик. Бир соатдан бери кутаяпман, келмаяпти", - деди.

ОИЛА САОДАТИ БАРЧАМИЗГА ЁР БЎЛСИН

"Балки анави аёлдир?" - деб ўша аёлни кўрсатсам: "Йўғ-е, у қадди-қоматим келишган", деганди. Бу росаям семиз экан-ку", - деди тиржайиб. Аёлнинг ёнига бориб кимни кутаётганини сураганимда, айнан мен хозиргина гаплашган йигитнинг исмини айтди. "Сиз излаб келган киши, мана шу йигит бўлади", - десам, аёл бурнани жийриб: "Шу киши-я, эгнү бошига қаранг, исқирт, соқол-мўйлави ҳам яқин орада олинманг. Келиб-келиб шу кишига тегаманми?" - деб шарт бурилиб, йигит билан гаплашмай ҳам зинадан тушиб кетди.

Бунақа ҳолатлар тез-тез учраб туради. Бир йигитни биламан, 1 йилдан бери 7-8 та аёл билан гаплашиб кўрди. Бирини семиз деса, иккинчисини ориқ дейди, учинчиси ўта чиройли кўзи

йўноқлаган эмиш. Биз бахт излаб мурожаат қилганларни юзлаштириб қўямиз, лекин бахтли бўлиш ҳар кимнинг ўз изида. Баъзи кишилардан олдинги рўзгоридан нима учун ажрашганини сўрасак, йигитлар хотинини фамх-фаросатсизликда, рўзгорни яхши тутмасликда, эрчи ҳурмат қилмасликда айблади. Аёллар эса асосан "эрим ичанда, ўйнаши бор, уради-сўқади", деб эрларига айб қўйишади. Уртадаги биттадан тортиб, ҳатто 8 тагача бўлган болаларни бир четга суриб қўйиб, ўзлари учун қулай бўлган муҳитни излайди. Қани ўша муҳит? Уриш-жанжалсиз оила борми ҳаётда? Йўқ! Бўлиши ҳам мумкин эмас! Оилада

аёл ўз ўрнини билса, уйни саранжом-саримша тутса, болаларини озода, покиза воёга етказса, мазали овқатлар пиширса ҳар қандай баджаҳл эркак ҳам аёлига айб қўйиши учун сабаб топиб кўрсин-чи! Эркак ҳам улфатчиликни, ичкиликни касб қилиб олмаган бўлса, ҳуда-беҳуда кўчага пул сарфламаса аёл ҳам осмондан тушган жоду-ғарқ эмас, у ҳам эрнинг қадрига етади. Демак "қарс икки қўлдан чиқади", деган гап юз фоиз тўғри. Аввало ҳеч ким биринчи турмушидан ажралмасин. Бахтга қарши шундай ҳол оз берганда ўта зийраклик билан қадим босмоғи даркор. Бизга ёмон кўринган одам, бошқа одамнинг жон-дили бўлиши мумкин. Ёки аксинча. Ҳаётга, оиллага қандай кўз билан қараш ўзимизга боғлиқ. Яхши кўз билан қарасак яхши, ёмон кўз билан қарасак, ёмон кўринади. Ҳамиша яхши хулқ-атвор, яхши фазилатлар йўлдошимиз бўлсин.

Т. НОРИМОВ

Бундан роппа-роса беш йил олдин мен Маъмур исмли йигит билан телефонда тасодифан танишиб қолдим. У ҳарбий хизмат таътилида уйига дам олиш учун келганди. Сўнг бир-биримизни ёқтириб қилиб, учрашиб юрдик. Унинг уйдагилари мен ҳақимда билишарди. Ҳатто расмимни ҳам кўришганди. Мени уйимдагилар бундан беҳабар эди. Орадан ўн саккиз кун ўтиб у кетадиган бўлиб қолди. Уч ҳафта ичида биз бир-биримизга жуда-жуда ўрганиб қолган эканмиз,

УНИ УНУТАРМИКАНМАН...

ишонасизми, иккимиз ҳам айрилиққа чидалмай йиғладик. Мен тез-тез хат ёзишга ва интизорлик билан кутишга ваъда бердим. Унга эса сирдош дугонанинг ишхонаси манзилни бериб, шунга ёзма хатларни менга дугонани етказишини айтдим. У менга кечаси соат 2⁰⁰да кўнғироқ қилганди. Эрталаб 4³⁰гача гаплашиб хайрлашдик. У 5³⁰да йўлда бўлиши керак эди. Хайрлашиб олди-дан менга:

- Хат ёзиб туринг. Мен келгунимча кутинг, илтимос. Мен келаман, кейин яна бирга бўламиз. Эсингиздан чиқмасин, хат ёзинг, хўпми? - деб роса ялинди.

Мен эса ўзимни тутолмай фақат йиғлардим. Одам ҳам оз вақт ичида бир-бирига шунчалик ўрганиб қоладими, деб хайрон бўлардим. Буларнинг ҳаммасини туш деб ўйлардим. У кетди.

Ахдлашганимиздек, биз хат орқали бир-биримиз билан хабарлашиб турдик. Ниҳоят, айрилигимиз тугаб, у бахорда келди. Келди-ю, негадир ҳамма нарса тескарисига айланиб кетди. Унинг акаси, икки синглиси ва бир укаси бор эди. Акаси ҳали уланмаган, ўзининг ёши эса йигирмада.

Менинг ёшим ўн тўққизда бўлгани учун, ота-онам тезроқ тўй қилиш ниётида юришарди. Тўғри, мен уни жуда севаман. Лекин қайси юз билан ота-онамга: "Йўқ, мен ҳеч кимга тегмайман, фақат уни севаман", - деб айта оламан. Отамнинг ўз қонуни бор: "Қариндошга қиз берса, қариндошлик ришталари узилмайди"... Онамнинг қонуни эса "Севги йўқ нарса. Севман деса ишонма"... Қариндошга қиз бериш ёки қиз олиш медицина тарафидан умуман қораланганлигини отамга тушунтиролмаман. Онамга ёшлигида кўп йигитлар ошиқ бўлган экан. Ле-

кин ўшаларнинг бирини севагани учун онам айбдорлигини қайси тилзабон билан айтаман. Маъмурга шуларни айтиб, шартта ажралиб кетишимизга севгимиз йўл қўймасди. Дугонам менга: "Юравер, агар яхши-сидан совчи келса, тегиб кетарсан, нима ҳам қиларди, кўникади", - деб маслаҳат берди. Йўқ, кўнглини орғитишдан кўрқдим. Лекин у кун сайин кўнглимнинг нозик торларини кўпол равишда бирма-бир чиртилла-

тиб узарди. Биласизми, нима қилди? Мен юрагимнинг қайноқ ҳароратини тўкиб ёзган хатларимни ёқиб юборибди. Синглиси ўқиган экан, шунга. Меҳр билан иккимизнинг исимимизни ёзиб, гуллар чизиб дастурмолча тиккан эдим. Шунини йўқотиб қўйибди. Нима учундир расмимни қирқиб ташлабди.

Ишхонамга бир келиб кетарди-да, сабабсиз йўқ бўлиб қоларди. Сувга чўккан тошдек. Умрим кун санаш билан ўтарди. Ниҳоят 40 кундан сўнг у кўнғироқ қилди. Уйда совчилар бор эди. Юрагим сиқилиб нима қилишимни билмай ўтиргандим. Айни шу дамда менинг тақдирим ҳал бўлмоқда эди. Шунда кўнғироқ бўлиб қолди. Гушакни кўтарсам, унинг мен учун кадрдон бўлган овози жаранглади. Хурсанд бўлиб кетдим. У гапни нимадан бошлади денг:

- Одамимиз ўзи, нима-сиз? - деса бўладими? Бу гапни эшитиб иситмам чиқиб кетди.

- Нега ундай дейсиз? - десам, у менга:

- Ишхонангиздан тополмадим. Кейин уйингиз балкони тагида хуштак чашиб, қақирдим қарамадингиз, - деди. Мен унга шанба кун ишласимиз, иккинчидан пастдан келатган хуштак овозига қарамаслигимни айтдим. Қолаверса, совчилар келиб ўтирганини тушунтирдим. Йўқ тушунмади. Тўғрироғи тушунишни истамасди. Худди шу пайт совчилар акамдан мени кўришмоқчи бўлиб қақиртиришди. У:

- Ким чақираяпти? - деб сўраганда, мен тўғриси-ни айтдим. Жаҳли чидаб кетди.

- Менга турмушга чиқинг, десам йўқ дейсиз. Қаёқдаги бегоналар келибди-да, - деб хафа

бўлди.

Рости, қиз бола бошим билан менга совчи юборинг, дейишга уялгандим. Энди айтдим:

- Сизнинг ҳам қўлингиздан келса юборинг. Шаротингиз тўғри келмайди. Мен сизни уч ёки тўрт йилгача кутолмайман-ку! Хўп, мен кутган тақдирда ҳам, ота-онам кутмайди, - дедим.

Охири дилимдаги тилимга чиқиб кетди:

- Келинг, яхшиси бутунлай хайрлашиб қўяқолайлик, барибир сиз мени

тушунмаяпсиз, мен сизни. Агар мен сизга турмушга чиқсам, бутун умр шунақа бир-биримизни тушунмай ўтамиз, - деб айтдим. У яна нималардир деяётганди, мен гушакни қўйдим. Бутун танамни титроқ босиб, ўзимга келолмасдим.

Бир-биримизга тўғри келмаётганлигимизни тушуниш мен учун оғир эди. Душанба кун ишдан кайтаётиб, бекатда у мени кутиб ўтирганини кўриб қолдим. Мени кўрмасин деб орқа тарафдан айланиб ўтдим. Шундан кейин яна бир неча бор кўнғироқ қилди. Ишхонамга келди, ёнига чиқмадим.

Кўнглим боғида униб чиққан гулларни ўзи пайшон қилди, ўзи топтаб ташлади. Чуқур ўйлаб туриб, шу ишни жуда тўғри қилганимни ҳис этдим. Барибир шундай айрилишимиз керак эди. Мен кўпроқ ўзимни эмас, унинг ота-онасини ўйлаб қилдим шу ишни. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, беш хонали квартирада ота-онаси, тўрт ака-ука, уч келин, икки сингил яшаши ўзбекчиликка тўғри келадими? Ҳеч қайси тарафдан тўғри келмайди. Катта ҳовли бўлгандаям билинмасди. Аллоҳ шохид, мен уни ҳали ҳам севаман. Агар шу тўсиқлар бўлмаганида мен унга сўзсиз турмушга чиқардим. Биламан, унга қийин бўлди. Лекин у билан севишиб юрсак-да, бир кун бошқа биров билан фотиҳам бўлиб, унга "тўйим бўляпти", десам, унда бундан ҳам оғир бўларди.

Шундай деб ўз-ўзимни овутган бўламан-у, лекин барибир кўнғироқ қилишини ёки келишини ҳар кун кутаман. Турмуш курганимдан кейин бу ҳис-туйғудан фориғ бўлармиканман? Ёки уни унутармиканман? Ёки бир умр юрагим ўртаниб яшармиканман?

**Дилноза,
Ташкент.**

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

У...У шу дамда бу гапни айтмасам, мен эса эшитмасам яхши бўларди. Лекин "Айтилган сўз-отилган ўқ", бундан ҳеч қаёққа қочиб кутулмоқнинг иложи йўқ... Энди гап тамом, вассалом, кетаверишим керак.

Унинг ана шу гапи уни менинг назаримда бир зумда йўққа айлантирди... Бор эди, яхши бир инсон, энди йўқ... Йўқлиги таъин бўлди. Бор одам билан хайр-хўшлашаётган бўлсам-да дилимдан узиб ташлолмаётган эдим. Энди эса шундай қилишга мажбур эдим...

- Бу саволингизга тўғри жавоб берсам, хафа бўлиб қоласиз, деб кўрқаман, - дейман мен. - Ана, кўчанинг нариги бети-га автобусим ҳам келиб тўхтади. Хайр, кетдим, - дейман мен. У шу заҳоти иккала қўлимдан маҳкам ушлаб олади.

- Кетманг, шундоқ хайрлашмайлик, гаплашиб олайлик...

- Ҳеч қўймадингиз-қўймадингиз-да, майли, мен сизга ҳозир рост гапни айтаман. Менга бир разм солиб қаранг-чи, бирон-бир камчилигим борми? Тўқис-туғал қизман. Кар-кўр, чўлоқ-бўрки, бадбашара эмасман, шекилли... Нега энди ошиқларим бўлмаслиги керак экан. Сизга айтсам, ошиқларим жуда кўп бўлган.

Шундай деб, Ҳамидулланинг кўзларига қаҳрли нигоҳимни тикарканман, унинг эсанкираб қолганини ҳис этаман. Афтидан, у мендан бундай муомалани кутмаганди.

- Майли, майли ошиқларингиз кўп бўлиши ҳам мумкин. Мен хато қилдим шекилли. Бундай саволни бермаслигим керак эди, балки. Лекин кўнглимда борини айтдим. Мени кечиринг, илтимос. Аммо, барибир, мен сизнинг поклигингизга икром бўлишим керак.

- Ошиқларим кўп бўлган, - дедим. Майли, санаб бера қолай - сизгача 40 та эди... Сиз қирқ биринчисисиз... Сизни соддагина йигит, деб ўйлаб алдаб, тегиб олмақчийдим, агар билсангиз. Қойил, зийрак, доно экансиз. Мана, кўриб турибсиз сизни алдаб-сулдаб тегиб олишни урдасидан чиқолмадим, махоратим етишмади. Сизнинг ўткир ақлу фаҳмингиз олдида мағлублигимни тан оламан. Бахту тахтингиздан жой ололмадим. Начора, хайр, бахтли бўлинг...

- Майли, майли. Мен сизга ишондим, шубҳам қолмади. Тўхтанг, кетманг, кўрасиз ҳали ҳаммаси яхши бўлади, - дейди у кўлларимни янада маҳкамроқ қисиб...

- Қўйворинг қўлларимни, - дейман мен. Атрофга қараб биз милиция идораси яқинида турганимизни англаб қоламан. Идора атрофи ёруғ, одам билан гавжум. Овозимни сал баландлатсам, улар қошимизга югуриб келишлари аниқ. - Ана ақинимизда милиция идораси... Қўйвормасангиз милицияни қақираман-да, йўлтўсарлик қилаяпти, деб тухмат қилиб топширвораман, - дейман мен.

Унинг қўллари бўшашганини ҳис қиламан.

- Ие, сиз ҳали мени шундоқки-на милицияга топшириб ҳам кетаверасизми? Бизнинг авлодимизда ҳали ҳеч кимнинг иши ҳеч қачон милицияга тушмаган. Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Лекин, афсус, барибир сиз мени тушунмадингиз. Тушунишни ҳам истамаясиз.

Кичик қисса

- Айни дамда қарахт ҳолатдаман. Қулоғимга ҳеч гап қилмайди, ҳеч нарса таъсир ҳам қилмайди. Мен нажажамимни, бутун тақдиримни бағишламоқчи бўлган одамдан шу дамдаёқ воз кечишни, уни ҳаётимдан ўчириб ташлашни унга тамоман ёт кишига айланишни,



тезроқ унутишни, унутилишни истайман.

Тамом. Шундан сўнг у билан қайта учрашмадик. Йўқ, айтгандай бир гал мен уни кўрдим. У эса мени кўрмади. Уша - у билан сўнгги хайрлашувдан сўнг 10-15 кунлар ўтганди чоғи... Дам олиш кунини эди. Уйимизда ёлғиз ўзим - сочимни бўяб, рўмол билан ўраб олгандим. Негадир катта қўчага қараган айвонимизнинг очик деразасидан (олтинчи қаватдан) ўтган-кетганини шунчаки томоша қилиб турардим. Ногоҳда кўчанинг нариги бетидан бизнинг уй тарафга қараб қаққон қадам ташлаб келатган Ҳамидуллани кўриб қолдим. Юрагим қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Наҳотки у бизниқча келатган бўлса?.. Ростдан ҳам у кўчани кесиб ўтди. Уйимиз томонга тобора яқинлашиб кела бошлади. Мен шу онда пастга қараб югурдим, унга пешвоз чиққим келди. Агар ўшанда шундай қилганимда ишончим қомилки, биз ҳамма бўлиб ўтган гап-сўзларни унутиб, бир-биримизни кечирган бўлармиканмик? Тақдиримиз ҳам ўзгача бўлармикан? Отини атаб қақирмоқчи бўлдим. Негадир овоз чиқаришга мажолим йўқ эди. У бу орада уйимизга етиб ҳам келди. Уни тагин ҳам яхшироқ кўриб қолиш, бизнинг подбездимизга кирганига ишонч ҳосил қилиш учун, қарши тарафда жойлашган айвонимизга ўтиб, деразадан бош чиқариб қарардим. Лекин у бизнинг подбездимизга кирмади. Ўтиб кетди. Уйимиздан кейинги уйда Нуриддин акалар яшаарди. Англадимки, у ўшалар уйига бораётганди. Мен то кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб қолардим. Шу туришда қанча вақт ўтди - билмайман. Мен ўз ҳолатимни ўзгартиришга ожизлигимни ҳис қилардим. Сочимни ювиб, тараб одамга ўхшаб кийим-бошимни алмаштиргунимча у ўтиб кетиши мумкин эди. Шунинг учун Нуриддин ака-никидан чиққанидан сўнг яна бизнинг уйимиз ёнидан ўтишини кутиб туравердим. У эса ҳақиқатан ҳам бирон мuddатдан сўнг яна илдам қадамлар билан уйимиз ёнидан ўтиб кетди.

(Давоми бор)

ДИЛРОЗ

КИМНИДИР КУТАЁТГАНДЕКМАН...

Ёшим 25 да. Оилада 3 қиз, 3 ўғилмиз. Акаларим оилани, уйли-жоили. Опаларим ҳам бир хонадоннинг севимли келинлари.

Мен ўрта мактабни битириб техникумга ўқишга кирдим. Ёшлигимда кўпроқ ўғил болалар билан ўйнаб катта бўлганим учунми, характерим худди ўғил болаларникидек. Гуруҳимиздаги талабаларнинг ҳам учдан икки қисми ўғил болалар эди. Мен улар билан тезда тил топишиб кетдим. Йигитлар севги изҳор қилишса устиларидан кулардим. Бундай гаплар мен учун эриш туюларди. Синфдошларимдан бири мени телбаларча севарди. Мен эса бундай туйғудан йироқ эдим.

Хуллас, айна 18 ёшимда, у пайтда 2 курсда ўқирдим, уйимизга совчилар келишди. Уйдагилар аввалига йўқ, ҳали ёш-ку дейишди. Мен у йигитни танирдим. У мен билан учрашиб, розилигимни сўради. Мен нима дейишни билмай тугилиб қолдим. Кўриниши ойдек, салобатли, ўзига қараган, бир сўз билан айтганда ҳар қандай қизни ўзига ром этадиган эди.

Уйдагиларга ўзингиз биласизлар дедим. Кейин йигит томондагилар келиб, нон ушатиб кетишди. 3-4 ойдан кейин ажойиб тўй ҳам бўлиб ўтди. Унгача учрашиб турдик. Унинг муомалалари менга ёқарди. Тўйдан кейин мен учун келинлик даври бошланди. Оилада иккинчи келин эдим. Қайнотамни ўз отамдек кўрардим. Содда, меҳрибон, очик кўнгил эдилар. Қайнонам ҳам ёмон эмасди. Ахир дунёда ёмон одамнинг ўзи йўқ. Фақат феъл-атвори ёмон бўлади. Лекин негадир қайнонам менга нисбатан ўзини бошқача тутарди. Мени унчалик ёқтирмадиларини янги келинлигимдаёқ сезувдим. Овсинимга ўхшаб тилёгламалик қилолмасдим. Лекин хизматларини қўлимдан келганча қилардим. Бу борада айтарли бирор даки эшитмасдим. "Қўлинг олти, оёгинг етти бўлиб" минг хизмат қилмагин, ёстикдошингнинг кўнглини оломасанг бари бекор экан. Кундузлари муомаласи яхши эди. Лекин кеч бўлаверса, юрагим сиқилаверарди. Умуман бунақа ҳаётни хаёлимга келтирмаган эканман. Қўли қўлимга тегиб кетса ҳам ток ургандек сесканиб кетардим.

Ўртадаги совуқлик, музлик бора-бора кучайиб борди. Икки йилгача ота-онамга ўз турмушим ҳақида бир оғиз чурқ этмадим. Қурбақани боссанг ҳам овоз чиқаради-ку. Ўғри ҳам, суюқоёқ ҳам,

ёмон ҳам бўлдим. Охири қайнонамнинг мени калтаклаганига чидалмадим. Кейин ўз хоҳишимиз билан ажрашдик. Икки ярим йил бирга яшабмиз, холос. Ҳўжайинимга ҳам раҳмим келарди. Аксига



олиб ўртада фарзанд ҳам дунёга келмади. У киши 2 ой ичида бошқа қизга уйланиб олди. Ажрашганимга ҳам беш йилдан ошибди. Ҳеч ким она уйига қайтиб келмасин экан. Эримни ҳар замонда кўриб қолсам, юрагим олдингидан баттар музлаб кетади. Ахир бир маҳалла наридан-да. Ўтган умримиз, қадримга ачинаман. Очилмай сўлган аёлман, қайта турмуш қуришни хаёлимга ҳам келтира олмайман.

Оғзи қуйган қатқини ҳам пуфлаб ичади. Кўр ҳам хассасини бир марта йўқотади-ку! Ҳали ҳам инсонни ўзи ўрганган машғулоти, вазифаси овулар экан. Эрта кетиб, кеч келаман. Ер шаридек айланиб умримиз ўтаяпти. Мен тенгиларнинг болалари мактабга боришяпти, 2-3 болани тарбиялаб юришибди. Онам: "шундай юраверасанми? Ҳеч

кимни ота-онага боғлаб бермаган. Турмуш қур", - дейдилар. "Мен сизларга оғирлик қилиб қолган бўлсам, айтинглр. Бошим оққан жойга кетаман, узокларга", - дедим. Ихтиёримни ўзимга қўйишган. Келган совчиларга ҳам: "Ўзи нима деса шу", - дейишди. Мени бўлса юрагим ҳеч нарсага дов бермайди. Лекин менинг ҳам ўз оилам, фарзандларим бўлишини хоҳлайман. Ҳамкасбларимга ҳавас қиламан. Ишдан кейин бири боғчага, бири бозорга, бири уйга овқат қилишга шошилади. Мен бўлсам бемалол уйга кетаман. Бориб овқатланиб ухлашга кириб кетаман. Эрталаб барвақт туриб китоб ўқийман. Умрим, ҳаётим ўтиб борапти. Ҳамма нарсани кўнглимга оладиган, йиглаб юборадиган бўлиб қолганман.

Илгари ким эдим, энди ким бўлиб қолдим. Айбим - кўнгилсиз ҳаёт курганим, севмаганимми? Менда ҳам юрак, қалб бор-ку! Мен ҳам инсонман-ку, ахир!

Дунёда ёлғиз яшашдан оғири йўқ экан. Шундай бўлса ҳам ёмон йўлдош билан яшагандан кўра, ёлғиз яшаган афзал деб биламан. Тўғри, ота-онам бор. Лекин улар ўз йўлига экан. Баъзида менга улар ҳам йўқдек туюлади. Баъзан кечалари қон йиғлаб чиқаман. Ёстигим ҳўл бўлади. Хиссиётга ҳаддан зиёд берилардим. Бу дунёни бевафоллиги одамларнинг бир-бирларини алдашлариёқ ёлғончиликлари, "артистлик"лариёқ кўзбўямачиликларини кўравериб, умуман яшагим ҳам келмайди. Ёлғиз сирдошим "Қундалик дафтарим". Ҳаётда инсон ортидан нимадир қолиши керак, мендан эса шу дафтар қолса керак. Шу қадар тушкунликка тушиб қолганманки, наҳотки бундан чиқишинг иложи бўлмаса, деб уйга толаман. Ҳаётдан ҳам, эркак зотидан ҳам кўнглим қолиб кетди. Тўрт кунлик келинлигимда калтак еганимдан кейин нафақат эримдан, балки эркак зотидан кўнглим совиб бўлганди. Ҳайрон қоламан, нимага яшайман ўзи? Орзуисиз, янгиликсиз. Шунчалар кўп хаёл сураманки, уларнинг одоғига сира ета олмайман. Баъзан кимнидир кутаётгандекман. Лекин ундан дарак йўқ. "Қаердасан бағритошим, меҳрибоним", - деб хаёл сураман.

М.
Жиззах.



Ушбу хатни ёзиш менга осон эмас. Чунки мен ота-онам ҳақида ёзмакчидиман.

Оилада икки қизимиз. Мен 17 га кирдим. Опачамни қизимиз узатдик. Анча йиллардан бери ота-онам бир-бирлари билан гаплашмай қўйишган. Кичкиналимизда кўп жанжаллар бўларди. Онам нукул: "Тонган жазманингникига йўқол!" - деб отамга бақарарди. Биз бу жанжалларга унчалик ҳам эътибор бермасдик. Бола эдик-да. Катта бўлган сари ота-онамиз бир-бирларига бутунлай бегона эканликларини чуқур ҳис эта бошладик. Бу бизни жуда ҳам эзиб юборди. Онам опачамнинг тўйдан кейин бир оз вақт ўтгач, оғир бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдилар. Ўлиб қолмасалар эди, деб роса кўрдик. Лекин отам бирон марта ҳам онамнинг олдига бориб, ҳол-аҳвол сўрамадилар. Буни поччамиз ҳам сезибди. Онам хафа бўлиб гапирдилар. Онам эса, оғир ётганларида опачам иккимизни чақириб: "Агар ўлсам, отангни розозамга қўйманглр. Мен ундан жано эмасман", - дедилар. Тавба, шунча нафрат билан қандоқ қилиб улар кўп йиллар бирга бир уйда яшашяпти экан?! Ё, бизларни етти бўлсам, деб, ўзларини қурбон қилишяптими? Бундай нафрат ичида яшаш бизларга ҳам жуда оғир эканлигини наҳотки тушунишмасан? Мени ҳам узатиб юборгач, ўзлари ажрашиб кетишса, нима қиламиз, деб ўйлаб қоламан. «Қизларини узатиб олгунча одамларнинг кўзига бирга яшаб» юришган экан-да, деб гап-сўз қиладиганлар ҳам топилмайдими?! Мен ва опачамнинг борган хонадонимизда қаддимиз букилмайдими?

ми? Наҳотки, ота-онам шуларни уйлашмасан? Эсимни танибманки, отамнинг онамга бирон сабаб билан совға ё гул берганини эслолмайман. Ахир бу инсон менинг азиз онам-ку! Отам машинасида онамни ҳеч ерга олиб бор-

МЕҲРИНГИЗГА МУҲТОЖМИЗ

майди. Ахир, ўзим машина хайдашни ўргандим ва онамни ўзим истаган ерларига олиб бориб келаяман. Тўғри, отам қўлидан келганича мен ва опачамни боқди, ўқитди. Улар тўфайли биз яхши касб эгаси бўлдик.

Лекин, оиладаги муҳит мени қайғуга солади. Агар ота-онамиз ахил бўлганларида, балки яна бир сингилчам ёки укам бўлармиди? Отам онамнинг яқинлари билан, онам эса ўз ўрнида онамнинг яқинлари билан борди-келди қилмай қўйишган. Ўртада биз кимнинг тарафини олишни билмай лолу ҳайронмиз. Отам ҳам, онам ҳам биз учун бирдек азиз эканликларини наҳот тушунишмасан?! Отам элликдан ошдилар. Онам эса шу ёшга қиялашиб қолдилар. Шунча ёшга кириб ҳам уларнинг бизга нисбатан фақат меҳри, балки бир-бирларига бўлган ўзаро ҳурмати, муҳаббати ҳам муҳимлигини наҳот би-

лишмасан? Дугоналаримникига борганда ота-оналарининг муносабатларини кўриб ҳавасим келади. Агар отам ҳақиқатан ҳам биров билан яшаб келаётган бўлса, демек у қачондир кетиши аниқ. Биз эса



буни истамаймиз. Нега энди менинг отам бошқа бир аёл билан яшаши керак?! Мен буни хаёлимга ҳам келтиришни истамайман. Асло! Агар ҳақиқатан шундай бўлса, отамни сира-сира кечиролмайман. Наҳот отам шуларни уйлашмасан?! Отамнинг яқинлари — буви-бува, амма, амакилардан ҳам хафа бўлиб кетаман. Ҳамма нарсани кўра била туриб, бирон чора-тадбир қўллашни уйлашмайди. Биз-ку, онамизини ёлғизлатиб қўймаймиз. Бизда ўғил йўқ, Опачам ва мен онам учун ҳам ўғил, ҳам қиз бўламиз. Лекин отам билан онамиз бирга бўлмас экан, биз қандоқ қилиб фарзандлик бурчимизни адо этамиз? Эркак киши хотинсиз яшашни қийин, дейишади. Отам кейинчалик қандай яшамоқчи? Ахир танмахрам деган гап ҳам бор-ку! Агар у онамиздан воз кечиб бошқа аёл билан яшаса, бизлардан ҳам ажраб қолишни уйлашмас-

микан? Бизнинг дилимиз вайрон, юрагимиз тилка-пора бўлишини билмасмикан?

«Отажон, онам билан ярашинг, илтмос. Ахир биргаликдаги ҳаётингизда яхши кунлар ҳам бўлган-ку», - деб айтгим келади. Айттолмайман! Журъатим етмайди. Уларнинг тўй суратларини кўриб, кўзларимга ёш келади. 17 ёшимда худди 80 ёшга киргандекман. Суратлардаги меҳр-муҳаббат қани? Қаерга кетди? Ким олди? Вояга етган сари, қиз бола бўлганим учунми, онамга тобора қиянлашиб, уларни чуқурроқ ҳис этапман. Уларга ҳам осон эмасдир?!

Баъзан онамнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрмоқчи бўламан-у, қўрқиб кетаман. Турмушга чиқим келмай қолади. Опачамнинг ҳаётидан ташвишга тушаман.

Отажон! Онажон! Агар менинг хатини ўқиётган бўлсанглр илтмос, бир оз ўйлаб кўринглр. Нафрат билан нимага ҳам эришиб бўларди? Келин, ахил оила бўлиб яшайлик. Биз сизларнинг хизматингизни жон-жон деб бажарамиз. Фақат бирга, ахил бир оила бўлиб яшасан бўлгани. Отажон, наҳотки сиз учун бошқа бир аёлнинг меҳри бизнинг меҳримиздан устун бўлса?! Ҳа, мен катта бўлдим. Ўзим пул топапман. Озми-кўпми сизнинг ёрдмингиз билан оёққа турапман. Лекин бу билан мен мустақил бўлиб, сизга кимроқ муҳтож бўламан, деган гап эмас-ку! Сиз энди менга, бизга кўпроқ кераксиз. Сизга, сизнинг меҳрингизга бир умр муҳтож, зорман отажон! Келин, ахил оила бўлиб яшайлик! Онам билан сизларни бахтли бўлганингизни кўриш армонидан бизларни халос этинг, илтмос...

Раҳбар

ГУЛЛАРГА ЯҚИНРОҚ БЎЛИНГ



Ҳаёт ташвишлари ранг-барангдир. Аслида уларсиз ҳаётнинг ўзи ҳам қизиқ эмас-да. Лекин оналарнинг зиммасидаги ташвишларни санаб, адоқ қилиб бўлмайди. Уйум, рўзгорим, дея гирдиқапалак бўлиб, куннинг кеч бўлганини ҳам сезмай қоладилар. Шубҳасиз, уларнинг руҳи толиқади. Кўпгина хасталиклар эса, руҳиятнинг толиқишдан келиб чиқади.

Руҳшунослар аёлларнинг руҳий олами ҳар кун яхши хотиралар билан бойиб туриши керак, деб ҳисоблайдилар. Шунда асаб таранглиги юзага келмайди. Яъни, ҳар бир киши ўзини овутишни, ҳаёт чигалликларидан эҳтиётлашни билиши керак. Одатда рўзгор ишлари билан банд бўлган аёллар кечки пайтга бориб, дилни ором олдиришга муҳтожлик сезаркан. Буни хотирани янгилаш, кайфиятни хушлаш деб тушунса ҳам бўлади. Бундай пайтда кимдир телевизор экранига термулади. Кимдир қўни-қўшнилари билан дарвоза олдида сўхбат қуришини хуз кўради. Ҳамма-нинг табиати ҳар хил.

Бироқ гуллар одамдаги руҳий чарчокни бошқа ҳар қандай нарсадан тезроқ йўқотиб, фикрни тезроқ янгилаб экан. Ана шу сабабли руҳшуносларнинг Швейцарияда бўлиб ўтган анжуманида, “Аёллар гулларга яқинроқ бўлинг!”, - деган шiori ўртага ташланди. Қуйида саккиз ҳолатда аёллардаги руҳий толиқишни пасайтиришнинг йўл-йўриқлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Агар оилангиздаги етишмовчиликдан руҳий чарчокни сезган бўлсангиз:

Бундай ҳолатда ҳеч иккиланмай ошқовоқ палаги ёнига келинг. Бунга хайрон бўлманг. Ошқовоқ гули ва палаги, ҳосили айнан мияга ўтириб қолган кучли зўриқишни йўқотишга тез таъсир кўрсатар экан. Америка табобатида бу аллақачон ўз исботини топган.

Ошқовоқнинг гулига яқинроқ ўтиринг. Уни ҳидлаб, бир фурсат вуждингизга дам беринг. Ошқовоқ гулининг ҳиди хушбўй эмас, аммо асаларилар энг шифобахш нектарни ошқовоқнинг гулидан йиғадилар. Худди шунингдек, оқ карнай гуллар, анорнинг гули, ўздан мияда фикрий янгиланишга туртки берадиган ифори таратар экан. Албатта тўйиб нафас олишингиз керак. Гулларни кузатиб, унинг рангидан ўзингиз учун маъно чиқариб олишга интилинг. Кўп ўтмаёқ вуждингизда энгиллик сеза бошлайсиз. Руҳингиз албатта тетиклашади.

Болангиз туфайли нохуш ахволга тушиб қолган бўлсангиз:

Бундай ҳолатда сизга намозшомгул, райхон жуда яхши фойда беради. Намозшомгул одамнинг сезги ва асаб толаларига ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Райхон эса сизни шаштингиздан тушириб, ҳаётини фалсафангизни ўзгартиришга, ўзингизни босиб, болаларингиз феъл-атворини яхшироқ тушуниб олишингизга кўмак беради.

Вақти-вақти билан гулларни чайқатиб туринг. Уларга термулиб, вуждингизни эркин кўйинг. Агар тиззангизда чақалокни олиб ўтирсангиз, гулларнинг ҳиди тезроқ асаб тизимингизга таъсир ўтказиши аниқланган. Бундай пайтларда асло гулларни узманг ва шоналарини тўкманг. Рўмолингизни гуллар устига бир фурсат ёпиб қўйиб, ўраб олсангиз ҳам бўлади. Асло оёгингизни чалиштириб ёки нохуш воқеани эслаб ўтирманг. Ҳаёлингиз энг чиройли орзуларингиз билан банд бўлсин. “Тангрига шукр!”- дея юз марта такрорланг.



Эрингизнинг эътиборсизлиги туфайли кўнглингизга гашлик қўнган бўлса:

Қуйидагилар юрак хижиллигини босувчи гуллардир. - Оқ ва сариқ чиннигул. Сарик садбарг ва асалгул. Бундай ҳолатда ўзингизни кизил рангли гуллардан йироқ тутинг. Чиннигул ҳиди юрак фаолиятини мўтадиллаштиришда тенгсиздир. Аммо чиннигул барқ уриб ўсган бўлиши лозим. Қаровсиз, сўлиган гулларнинг таъсири бўлмайди, ҳаттоки салбий таъсир этиши мумкин.

Ибн Сино бу ҳақда шундай деган: юрак чигилини ёзишда гулларга тенг келадигани йўқдир. Бинобарин, оқ рангли гуллар дилга равшанлик берур. Сарик гуллар одамни ўйлантириб, диққанафасликни ёзур.

Сарик садбаргнинг ёнида бир соат ўтириб, ором олсангиз, сиздаги чалқаш хаёллар албатта миянгиздан узоқлашади. Ҳаётга бошқача назар солишга, кечиримлироқ бўлишга мойиллашасиз.

Асалгул эса кайфиятингизни хушлаб, бошқаларни яхшироқ тушушингизга туртки беради. Сизнинг юрагингизни хижил қилган нарсалар аслида арзиммаган чигаллик экаликни тушуниб ета бошлайсиз.

Умрингизни бемаъно ўтаётганидан сиқилсангиз:

Сизни мушоҳада қилишга ундайдиган гул - ҳар қачон ялпиз ва атиргулдир. Ялпиз ифори энг аввало сизни тинчлантириб, фикр юритишга ундайди. Бошқаларга ҳам осон эмаслигини энгилроқ тушуниб етасиз. Умрингизни сермаъно ва чиройли ўтказиш ҳам аслида ўзингизга боғлиқдир. Бу борада бошқаларни айблашга ўрганиб қолганингизни англаб етишин-



гиз осонлашади.

Атиргул ифори эса фикрингизни тиниқлаштириб, миянги бемаъни хаёллардан узоқлаштиради. Сиздаги хафаконлик кайфияти аста-секин ўтиб кета бошлайди. Фақат бардош билан атиргулга термулиб, унинг ўткир нишли тиконидан мушоҳада олсангиз бўлади. Яъни, бу дунёда гўзалликнинг ёнгинасида тиконнинг ҳам бўлиши шарт экан. Бу албатта тақдирга тан бериш эмас, фикрни янгиллаб, ҳаётни тушунишдир.

Кечки салқинда, атиргул ёки ялпиз ёнида бир соат хордиқ олсангиз, уйқунгиз изга тушади. Юрак уриши эса мўтадиллашади.

Кўни-кўшнилари билан алоқангиз бузилганидан ранжисангиз:

Демак сизнинг қон босимингиз меъёрида эмас. Асабингиз ҳам чарчаган, бундай ҳолатда бошқаларга ҳасрат қилиш фикри ночорликдан бошқа нарса эмас. Ўзингиз ёлғиз қолганингиз маъқул. Албатта ёнингизда барқ уриб очилган настарин ёки чироқчи деб аталмиш гул бўлса. Чироқчи гулнинг ифори иситмани дарҳол тўхтатиб, қон босимини пасайтиради. Чироқчи гулнинг устига озгина сув селиб, ҳидланадиган бўлса, юрак безовталиги пасаяди. Ўзингиздаги қусур ва нуқсонларни англаб етиш осонлашади. Ярим зўриқиш йўқолиб, оғир-босиқ бўлиб қоласиз.

Настарин эса, (ҳатто дарахнинг ҳиди ҳам) жиззакилик балосидан халос эта бошлайди. Сиз асабингизни жунбушга келтирган воқеа аслида асабийлашишга арзимаслигини англаб етасиз. Настарин ҳидидан мия фаол дам олади. Сизда зийраклик ва мулоҳазакорлик кайфияти кескин кўтариллади. Ўзингизни яхшироқ тушуниб етасиз.

Рашк изтириб қийнаганда:

Рашк пўртанаси жуда қалтисдир. Агар эрингизни кимдандир рашк қила бошласангиз, албатта атиргул

Ўзингизни ожиз-ночор сезсангиз ёки бирор нарсадан кўрксангиз:

Бундай ҳолатда икки гулни тўйиб ҳидланг ва ўзингизни уларга ҳамиша яқинроқ тутинг. Бу гуллар гладиолус ва сумбулдир. Сумбул гулининг ҳиди сиздаги навқиронлик туйғулари-ни жўштириш хусусиятига эга. Ҳаттоки бу гулнинг талқони ҳам вуждингизга теранлик бахш этади. Шу боис ундан тумор тақиб олсангиз ҳам руҳингиз ҳамиша тетик бўлиб юрасиз. Сумбул ҳиди одамни иккиланиш қусуридан асрайди. Бу гул ҳидининг яна бир ўзига хос мўъжизавий сири шундаки, у одамда янги орзу-умидлар уйғотади. Тўсиқларни бартараф этишга ундайди.

Гладиолуснинг ҳиди кучсиз бўлса-да, тажангликни йўқотади ва кўнглини ёзиб, бағрни кенгайтиради. Ўз кучингизга ишончингизни оширади.

Юқоридаги саккиз тавсия аёлларнинг саломатлиги, руҳининг тетиклиги, ўз олдига турган мушқулотлар ечимини тўри топа олишлари учун ниҳоятда муҳимдир. Демак, аёллар ҳамиша гулларга яқинроқ бўлишлари лозим.

ёнига келиб, уни тўйиб ҳидланг.

Атиргул ту-пида турган жойида яхшироқ хид таратади. Уни ҳидлаётиб, уч нарсага эътибор беринг. Биринчиси - инжиқ бўлиб қолмаяпсизми? Иккинчиси - эрингизга бўлган ҳурмат-эътиборингиз сусайгани йўқми? Учинчиси - ўзингизга қараб, ороланиб турасизми?

Атиргул ҳиди сиздаги шубҳа-ғумонларни ҳайдайди. Миянги-ни зўриқишдан химоя қилиб, бошқаларга муносабатингизни ўзгартиришга ундайди. Ҳар қандай ҳолатда мураса йўлини туттиш лозимлигини англаб етишга ёрдам беради. Ховлингизда атиргул бўлмаган тақдирда чиннигул ва карнайгул ҳам сиздаги руҳий зўриқишни пасайтиради. Юрагингиздаги тугун аста-секин тарқай бошлайди.

Ишингиз юришмаса ёки режаларингиз барод бўлаверса:

Сизнинг тафаккур дунёнгиз тора-райган бўлиши мумкин. Пала-партишликка кўникиб қолгансиз. Сезгирлик сиздан узоқлашган. Ҳўш, бундай ҳолатда қайси гул сизнинг ақл чиройингизни ёқа олади?

Албатта хризантема. Бу гул сизга куч-ғайрат инъом этиши шубҳасиздир. Хризантема гулининг ҳиди ўткир эмас. Аммо унинг кучсиз ҳиди ҳам миядаги тикинларни очиб юборишга қодир. Бу гулга боқиб энг аввало завоқ олиш керак. Табиатнинг чеварлиги олдида лол қолсангиз ва бу гулни меҳр билан ҳидласангиз, миянги-га ўтириб қолган адоватни, майда-кашлик қусурини, тор фикрликни қувиб, ақлий имкониятларингизни ўстиради. Ҳаттоки ўз режаларингизни бутунлай тескари йўналишга ўзгартириб юборишингиз мумкин. Агар ховлингизда хризантема гули бўлмаса, пастак тож-хўрознинг ҳиди ҳам фикрий устунликка эришингизга яхши кўмак бера олади.



Пахтаобод туманида тухум босиб ётган мода лайлак, донлагани учиб кетганида, болакайлар унинг усига битта товуқ тухумини қўйиб тушган экан. Вақт келиб, она лайлак ўз тухумлари қаторида товуқ тухумини ҳам очиб чиқди.

Бунга ота **ЛАЙЛАК ХАМ РАШКЧИ ЭКАН** лайлак муро-райлак ҳам са қила олмаётган эди. У ўз жуфтани те-пиб чўқий бошлади. Она лайлак қочиб ҳавога кўтарилди. Бўр оздан сўнг ота лайлак ҳам учиб, уни қувиб етди. Иккаласи тепишиб-чўқишиб, анча жанг қилишди. Қишлоқдагилар муросаси уришаётган лайлақларга ачини-б, уларнинг усига товуқ тухумини қўйиб тушишган болаларни койий бошлашди.

Афтидан она лайлак зуғумга чидай олмади. У ўз жуфтидан ажралиб, тепароқ учиб чиқди ва қанотларини йи-ғиб, ўзини пастга олди. Қишлоқдагилар ерга урилиб, ҳалок бўлган она лайлакка ачинишди.



КАПАЛАК ВА ОДАМ

Капалаклар нима учун бир-бири билан қувлашиб, тўқна-шиб учишади? Тадқиқотчилар бунга муҳаббат билан боғлиқ деган хулосага келдилар. Маълум бўлишича, капалак-лар муҳаббат изҳор қилган-да, эркак капалак ўзидан жас-мин ҳидини таратар экан.

Хўш, инсонлар-чи? Ҳарқа-лай тадқиқотчилар бу ҳақда ҳам озгина ҳазиломуз хуло-са билдирганлар. Эркаклар муҳаббат изҳор қилаётган паллада кўп ҳолларда спирт-ли ичимликлар таъсирида бўлишаркан. Ана шундан уларнинг қандай ҳид тарати-шини билиб олаверасиз.



СЕМИРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Тибет табобатчилари гулларнинг хушбўй ҳиди одамни семиртиради, деб ҳисоблайдилар. Чунки хушбўй ҳидлар кайфиятни кўтариб, одамнинг семиришига имкон яратаркан.


Бу ҳақда табобатчиларнинг тавсияси шундай: се-миришни истовчилар калорияли таомларни кўпроқ истеъмол қилиш билан биргалиқда, эчки сутини қай-ноқ ҳолатда симириб ичиш, хушбўй ҳидлар таратадиган гуллар орасида кўпроқ бўлишлари керак. Атиргул, асалгул, настарин, райхон ва ялғиз ана шу гуллар жумласидандир. Хонадонлардан ҳамisha ана шундай гулларнинг ҳиди келиб тургани маъқул.

ТАДБИРКОР БЎЛСАНГ, ЧЎНТАККА ФОЙДА

Асакалик тадбиркор Абдуқаҳҳор Раҳмоновнинг ҳовлисида бир чимдим ҳам ахлат чиқмайди. Чунки рўзгордан чиқадиган ҳар кун-ги чикиндилар, рўзгорнинг ўзига ишлатилади.

Бу хонадонда 20 бош товуқ ва икки соғин сигир ва қўйлар бор. Шу боисдан қовун, тарвуз, ошқовоқ, ҳатто олманинг ҳам уруғ ва пўчоғи ташлаб юборилмайди. Уруғлар йил бўйи қол-ларга йиғиб борилади ва тегиримондан чиқарилиб, товуқларга бериладиган емга аралаштирилади.

Хайвондан чиққан чикитлар ва ахлатлар махсус чуқурда ачитилиб, чиритилади. Ана шу чуқурга қизил чувалчанг қўйилган. Ҳар кун чуқурдаги чикиндилардан икки замбар олиниб, товуқларга сочиб берилади. Товуқлар қизил чувалчангни териб ейди. Чувал-чанг товуқлар пуштини оширар экан. 20 та товуқнинг барчаси ҳар кун бехато тухум беради. Товуқдан қолган чирин-дилар эса томорқага солинаверади. Абдуқаҳҳор Раҳ-монов бир тул помидордан 14 килограмм ҳосил олди. Тадбиркор бўлсанг, чўнтакка фойда экан.



ЭНГ ХУШБЎЙ АТИР

Франциялик олимлар атирнинг шу пайтгача маъ-лум бўлмаган энг хушбўй турини яратдилар. Унга "Кифи" деб ном берилди.

Олимларнинг эътирофича, қадимги мисрлик фиръавнлар худди мана шундай атирдан фойда-ланган эканлар. Унинг таркибига умуман спирт қўшилмайди. Уни ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ялғиз, долчин, қора арча, мирра сингари гиёҳлардир.

"Кифи" атирининг нархи ҳозирча ҳеч кимни чўчитаётгани йўқ. Унинг харидорлари "Кифи"нинг ҳиди ҳақиқатан ҳам бетакрор ва хушбўй экан-лигини таъкидламоқдалар. Изланиш бўлса, оддий гиёҳлардан барчани лол қолдирадиган махсулот тайёрласа бўларкан.



ОШҚОВОҚ ЕГАН ШОД БЎЛАР

Америкада ҳар йили ошқовоқ бай-рами нишонланади. Ошқовоқ бай-рами қандай пайдо бўлган?

Бир вақтлар оқ танлилар Америка ҳиндулари билан яраш битими тузиш учун ошқовоқ олиб боришган экан. Ҳиндулар йўлбошчи-си ошқовоққа қараб: "Буни қандай еса бўлади?" - деб сўрабди. Шунда

қизикчирик аскарларнинг бири: "Ош-қовоқни тешиб, ичига бошингни тикиб еяверасан", - дея жавоб берган экан. Ҳинду ана шундай қилибди ва ўзини қийнаётган жигар хасталигидан фориг бўлиб, бошида ошқовоқнинг пўчоғи билан хурсанд

бўлиб, ўйнай бошлабди. Ҳиндулар тилида ошқо-воқ "шодлик" дегани экан.

Бу албатта ҳазил аралаш гаплар бўлиши ҳам мумкин. Лекин бутун дунё экологлари ошқовоқ-ни инсон танаси учун энг фойдали полид эки-ни, деб топганлар. Ошқовоқ еган шод бўлар, деган ибора ана шундан келиб чиққан. Шодлик байрами ҳазил-хузулсиз ўтмайди, албатта.



ҚАЙРИЛМА



Коҳира дорилфуну-ни олимла-ри чивинлар кўпроқ хасислар-ни чақади, деган хулосага кел-дилар.

Бунинг исботи шундайки, хасислар айниган ов-қатларни ҳам истеъмол қилаверганликлари учун уларнинг баданидан таралаётган ҳид чивинлар-ни кўпроқ ўзига жалб этаркан. Қолаверса, ха-сислар камроқ ювиладиган ва пишқик кийимларни кийишни хуш кўришаркан. Булар шойи ва синтетикадан тайёрланган кийимлар-дир. Бундай матолар чивинларни ўзига тортаркан. Чивинлар пахта ва зигирдан тайёрланган кийимларга унчалик яқинлашмас экан.

ЧИВИНЛАР КИМНИ ЧАҚАДИ?

Коҳира дорилфуну-ни олимла-ри чивинлар кўпроқ хасислар-ни чақади, деган хулосага кел-дилар.

Бунинг исботи шундайки, хасислар айниган ов-қатларни ҳам истеъмол қилаверганликлари учун уларнинг баданидан таралаётган ҳид чивинлар-ни кўпроқ ўзига жалб этаркан. Қолаверса, ха-сислар камроқ ювиладиган ва пишқик кийимларни кийишни хуш кўришаркан. Булар шойи ва синтетикадан тайёрланган кийимлар-дир. Бундай матолар чивинларни ўзига тортаркан. Чивинлар пахта ва зигирдан тайёрланган кийимларга унчалик яқинлашмас экан.

ИТЛАР ЁМҒИР ЧАҚИРАРМИШ

Италияда қурғоқчилик туфайли кўпгина фермерлар зарар кўрдилар. Бироқ Зунинци-ни исмли фермернинг даласига ёмғир кўпроқ ёғиб, ҳосили мўл бўлди. Омадли фермердан бунинг сабабини сўрашганда: "Мен фермер хўжалигимда зотли итлар етиштиришни бошладим. Итлар ёмғир ча-қираётган бўлиши керак", деб жавоб берди.

Аслида Зунинци бундай жавобни итларнинг нархини ошириш учун айтган эди. Бироқ италиялик экологлар итларнинг ёмғир ча-қириб эҳтимоли кучли, деган хулосани айтдилар. Сабаби, итлар одамлар сезмайдиган ультра товушларни ҳам илғаб олар экан. Зотли итлар ультратовушлар ёрдамида ёмғирли булутлар йўна-лишини ўзгартириши мумкинлиги башорат қилинмоқда.



ГОРИЛЛАГА ХАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

Жанубий Африка-даги Йохонесбург шаҳрида Макс ла-қабли Гориллага ҳайкал қўйилди. У 31 йил яшаган қафас ёнига ўрнатил-ган. Хайкалтарош Сидилла Нейжел-нинг айтишича, Макс қафасига поли-ция таъқибидан қочиб кириб яширин-моқчи бўлган ўғрини тутишга ёрдам берган. Яъни, у ўғрининг ёношини гажиб ташлаган. Шундан бўён Йохо-несбургда Горилла жиноятчилар бил-лан курашининг символика айланди.



ГУЛДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР

Япония пазандачилигида гуллардан таомлар тайёрлаш тобора кўпайиб бормоқда. Хат-токи озик-овқат учун мамла-кат мижрасида гуллар етишти-риш режаси ишлаб чиқилди.

Бунинг боиси гулдан хушхўр, баданда тез сингувчи ва шифобахш таом-лар тайёрлаш имкониятлари топилди. Бундай та-омлар одамга кўтаринки кайфият бериш билан бирга баданни ортқича хилтлардан тозалаш имкониятига эга экан. Айниқса атиргул, хризантема ва Японияда мўқаддас гул ҳисобланган сакура гулидан тайёрлан-ган таомлар тафбақурни янгилаш хусусиятига эга, деган фикрни ҳам билдиришмоқда.



ИЛОНЛИ ВАННА...

Нью Жерси штатидаги Женки ва Канзаслик Ани Торнтон ўзларининг чиндан ҳам довиорак эканлик-ларини исботлашди. Қандай қилиб дейсизми?

Улар "Гиннеслар рекорди" китобига кириш учун 75 та ўта хавфли ва заҳарли шикилдоқ илонлар қўйиб юборилган ваннада, газандалар билан бир жойда 45 дақиқа ўтиришди. Ва... У ердан илон чақ-масдан соғ-саломат чиқибди. Аёлларнинг айтиши-ча, улар заҳарли "қўшни"ларини чўчитиб юбориш-дан кўриб 45 дақиқа ҳаракатсиз қотиб ўтиришган.

Б. САЙДАЛИЕВА ва К. НИШОНОВ тайёрлашди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифлар-га қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
ТАБРИКЛАР, ЭЪЛОНЛАР: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 940. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16079
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Расмом — Н. ХОЛМУРДОВ
Навбатчи — Т. НОРИМОВ
Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ